Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 23-yanvar, №4 (566)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

Дунёдаги энг **ихчам ноутбук**

Apple компанияси MacWorld Expo кўргазмасида учинчи авлод ноутбукларини намойиш этди. Компания асосчиси Стив Жобснинг маълум қилишича, MacBook Air деб номланган компьютер барча техник имкониятларга эга бўлиб, у дунёдаги энг ихчам ноутбук саналади. 1,36 км. вазнлик MacBook Airнинг қалинлиги 1,93 сантиметрга тенг.

⇨ 5-бет

"Тамаки борми, **амаки?"**

Кеча бекатда автобус кутиб тургандим. Ҳали балоғатга етмаган бир ўспирин рўпарамга келиб, чамамда ёнимдаги 50-55 ёшлар атрофидаги отахондан ҳадиксирамай:
– Кечирасиз, чекишдан борми, амаки? – дея сўради.
Отахон атрофга ҳушёр разм солди...

⇨ 7-бет

Инсон — илоҳ илмининг тажассуми

— Аслида, комил инсон — эзгу хислатлар мужассам бўлган тимсол. Лекин инсоннинг ақлини ўстириб, комиллик даражасига етказиш учун у аввало маърифат ҳосил қилиш, яъни ўзлигини англаши лозим.

⇨ 8-бет

ЭЪТИБОР

Ёш оилалар учун **имконият**

Акциядорлик-тижорат "Ипотека банк" бу борада қатор имтиёзли кредитлар тақдим этмоқда

Никоҳ қурган ёш оила энг аввало ўз уйи бўлишини ният қилади. Лекин бир неча авлодга хизмат қиладиган мустаҳкам ва шинам турар жойни қисқа фурсатда ўз маблағи эвазига сотиб олиш ёки бунёд этиш ёш оила учун осон бўлмаслиги табиий. Бу каби масалаларни ҳал этишда эса ёш оилаларга мамлакатимиздаги банк муассасалари яқиндан кўмак бериб келяпти.

Акциядорлик-тижорат "Ипотека банк" жамоаси ҳам ёш оилаларга молиявий кўмак бериш борасида изчил чора-тадбирларни амалга ошириб келяпти. Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 18 майда "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганди. Мазкур муҳим ижтимоий масалага давлат раҳбари томонидан кўрсатилган эътибор банк жамоасини ҳам бу борада янада фаолроқ иш олиб боришга ундади.

Айни пайтда "Ипотека банк"нинг республикамиз миқёсида 39 та филиал, 158 та мини-банклари фаолият юритиб келяпти. Банкнинг барча тизимларида бошқа мижозлар қатори, моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган ёш оилаларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

— "Ипотека банк" томонидан ўтган 2007 йилда ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 7 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилганди, — дейди банкнинг ипотека кредитлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Адҳам Тожихўжаев. — Банк жамоаси белгиланган режани ортиғи билан бажарди. Ўтган йилда ёш оилаларга 15,2 миллиард сўм миқдорида ипотека, истеъмол ва миникредитлар берилди.

Жорий йилда акциядорлик-тижорат "Ипотека банк" томонидан 46 та уй ёки 1472 та квартира қурилади. Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг турли бошқа шаҳарларида бунёд этилаётган ушбу уйлар ёш оилаларга имтиёзли кредитлар асосида тақдим этилади.

Шу ўринда мазкур уч турдаги кредитларни олиш шартлари хусусида ҳам қисқа изоҳ бериб ўтсак. Банкнинг ёш оилаларга мўлжалланган ипотека кредитлари уй-жой қуриш, уни реконструкция қилиш ҳамда сотиб олиш учун берилади. Ипотека кредити миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 баравари миқдорида бўлиши мумкин.

Ипотека кредитини олиш учун ариза берувчи кредит ҳисобига қуриладиган, реконструкция қилинадиган ёки сотиб олинадиган уй-жой умумий қийматининг камида 25 фоизи миқдорида ўз улушига эга бўлиши керак. Шу билан бирга ушбу кредитни олиш истагида бўлган фуқаро ойлик устама тўловларни қоплайдиган миқдорда расмий даромад манбаи ва доимий иш жойига эга бўлиши талаб этилади. Ариза берувчининг молиявий манбаига у билан бирга яшайдиган оила аъзоларининг даромадлари ҳам қўшиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, уй сотиб олиш учун кредитлар олишда ёш оилаларга имтиёзлар берилган. Масалан, ёш оилаларнинг устама тўлов учун ўтказиладиган маблағи даромад солиғидан озод этилади.

"Ипотека банк" кредитлари умумий шартлар асосида 10 йиллик муддатга, йиллик 12-17 фоиз устама тўлов билан ажратилади. Ёш оилалар учун бериладиган кредитлар эса 15 йиллик муддатга 3 йиллик имтиёз даври билан (бу муддат ичида кредит олувчи банкка фақат устама тўлов тақдим этади) Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоизларда ажратилади.

Банк жамоаси жорий йилда бу борада амалга оширилаётган лойиҳаларни янада кенгайтириш ниятида. 2008 йилда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратиладиган молиявий кўмак миқдори мавжуд 7 миллиард сўм ўрнига 14 миллиард сўм этиб белгиланган.

Шу кунларда "Ипотека банк" молиявий қўллаб-қувватлаши билан бутун мамлакат миқёсида ёш оилалар учун кўп хонадонли уйлар қуриш давом этмоқда. 2007 йилнинг 20 августида ёш оилалар учун турар жой бинолари қурилишини ташкил этиш масалаларига бағишланган ҳукумат йиғини бўлиб ўтган эди. Мазкур йиғин қарорига мувофиқ, ҳозирда республика бўйича 67 та кўп хонадонли уй қуриляпти. Ундан 46 та уй (1472 та квартира) "Ипотека банк" ҳиссасига тўғри келмоқда.

Банкнинг қурилишни молиялаштириш ва инженер техник назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сирожиддин Насриддиновнинг маълум қилишича, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг марказий шаҳарлари ва Тошкент шаҳрида қурилаётган уйларни молиялаш учун 60 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган. Бу борада лойиҳа сметалари тузилди, эксперт хулосалари олинди. Айни пайтда биноларда жадал қурилиш ишлари давом этмоқда. Йил якунига қадар кўп хонадонли уйлар фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Ислом СУЛТОНОВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ"

танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! Ўзбекистонда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган 2007 йил ҳам энди тарихга айланди. Ўтган йили мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш, жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда аҳолини моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш йўлида жуда катта бунёдкорлик ва хайрия ишлари амалга оширилди.

Халқимиз эришаётган ютуқларни, унинг ўй-мақсадларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларда фаолият кўрсатаётган сиз журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, жамоатчи мухбирлар, сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида қатнашишга таклиф этамиз. Танловга 2007 йил июндан 2008 йил июнгача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар таҳририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумот ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 2008 йил 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар.
Телефонлар: 144-64-62; 144-37-87.
Факс: 144-69-65
E-mail ijod@sarkor.uz
www.journalist.uz

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида тарқатилади

Хабарлар



✓«Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими буюртмасига асосан 2008 йилда 19 та спорт иншооти қад кўтаради. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили жамғарма ҳисобидан 23 та иншоот (шулардан 21 таси қишлоқ жойларида) қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Бунинг учун 2 миллиард 400 миллион сўм, жиҳозлашга эса 304,5 миллион сўм ажратилган.

✓Риштон туманида "Rus-Uzbekteks" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Бу ерга 6,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги замонавий технологиялар келтирилди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган калава ипни асосан хорижга экспорт қилиш режалаштирилган. Ҳозирда ана шу корхона ҳисобига 400 киши иш билан таъминланди.

Жаҳонгир Тўраев

СИЙРАТ

Қаҳрамон фермер қувончлари

Бободеҳқон... бир сиқим тупроқдан ҳам гул ундириб, гўзал умримизни зиёда этаётган инсон суврати ва сийрати бизга нотаниш эмас. Тунни кундан ажратмай, совуқни совуқ, иссиқни иссиқ демай, далада тер тўкиб, ерга бор меҳрини бериб, меҳнат қилаётган бободеҳқонлар билан суҳбатлашганимизда қалбимиз ғурурга тўлади. Ана шундай заҳматкаш, меҳнаткаш фермерлардан бири Пахтачи туманида оддий деҳқон оиласида туғилиб, бугунги кунда ота касбини давом эттираётган Ўзбекистон Қаҳрамони Дўстмурод ака Абдуллаевни кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. "Фермерлик жамиятнинг иқтисодий кўламига улкан ҳисса қўшади. Ер билан тил топишган деҳқонни табиат ҳеч қачон қуруқ қўймайди", дейди у.

— Сиз каби деҳқонларни халқимиз ҳамиша қадрлайди. Зеро, бу соҳанинг заҳматини кўтариш осон эмас. Эришган ютуқларингизга қарағанда, ўз ишингизга меҳрингиз баланд кўринади.

— Халқимизда ота касбини давом эттириш фазилати ҳақида кўп ибратли мақоллар бор. Нимага эришган бўлсам, ҳаммаси шундан деб биламан. Чунки одам ёшлигидан отасига эргашиб, ўша соҳада кўзи пишиб боради-да. Ота-онам деҳқончилик сирларини яхши билган ва ҳалол меҳнат орқасидан биз фарзандларини вояга етказган. Бунда ҳам ҳикмат кўп. Ҳалол луқма еб улғайган киши ҳаётини ҳам мана шу ҳалоллик устига қуради. Болалигимиздан меҳнатда суягимиз қотган. Тўрт-беш ёшларимда онам билан далада буғдой ўрардик. Техника танқис эди-да. Тўғри, дала иши оғир, лекин шу билан бирга, ўзига яраша гашти ҳам бор. Шу тариқа болалигим, навқиронлигим дала, гўзал табиат бағрида ўтди. Деҳқончилик сир-синоатларидан бохабар бўлдим, меҳр қўйдим. Фақат амалиёт эмас, назария ҳам муҳимлигини англаб етгач, илмимни ошириш пайига тушиб қолдим. Аввал Самарқанд қишлоқ хўжалик техникуми, сўнгра 1973 йил Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини имтиёзли диплом билан тугатдим...

(Давоми 2-бетда.)

СУРИШТИРУВ

Тор кўчадаги «томоша»

ёки Урганч шаҳридаги марказий хиёбонга қурилажак тўйхона атрофидаги мунозаралар...

Урганч шаҳар ҳокимининг 2007 йил 7 майдаги қарорига асосан «Ирригация темир бетон қурилиш» МЧЖга шаҳар марказида теннис корти спорт мажмуаси, ҳозирги 3-сон вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳудудининг бир қисми ва чегаралар оралиғидаги 25 метрли меъёрий кўкаламзор жой ўрнида ресторан типидаги икки қаватли йирик тўйхона қурилишига 1800 метр квадрат, унинг ёнидаги «Жайхун» меҳмонхонаси ва вилоят кутубхонаси атрофида эса 1600 метр квадратли автомобиллар сақлаш жойи қуриш учун ер участкаси ажратиб берилди. Шу билан 950 квадрат метр атрофидаги 250 мевали ва манзарали дарахтлар, ўнлаб мевали ўсимликлар жойлашган кўкаламзор ҳудудлар ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 400 квадрат метрга яқин чиқинди сув тўпланадиган иншоот ва иссиқлик тармоғи юқоридаги объект қурилиши ҳудудига тушиб қолди. Бу, юмшоқ айтганда, ўйламай қилинган режа эди. Чунки...

Республика Президентининг тегишли қарорига мувофиқ мактаб ва спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳудудидан 500 метр масофагача бўлган ҳудудда спиртли ичимликлар сотиш ман этилади.

(Давоми 2-бетда.)

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Қаҳрамон фермер қувончлари

(Бошланиши 1-бетда.)

— Сиз даставвал Рўзиқул Махманов жамоа хўжалигида уй-жой механиги, механик инженер, кейинроқ агроном, раис бўлиб ишлаганлигингиздан хабаримиз бор. Бугунги кунда эса фермерлик фаолияти билан шуғулланяпсиз. Шунинг учун ҳам ҳар иккисининг яхши-ёмон томонларини сизчалик биладиган топилмаса керак.

— Ҳар бир ишнинг ўзига яраша паст-баланди бўлади. Бу табиий. Лекин бир иш кимгадир осон, кимгадир қийин туюлади. Кишининг феълига ҳам боғлиқ-да. Баъзида қулоққа чалиниб қолади: илгари яхши эди, ҳеч нимани ўйламасдинг, маошингни олиб, ишингни қилиб юраверардинг. Фақат боқиманда, ҳаётда орзу-умидларсиз одамгина шундай фикрлаши мумкин. Халқимиз улар ҳақида "Ўлдирсанг, ўлдир — қорнимга тепма" деб яхши нақл айтган. Амаллаб кун кечирсам бўлди, дегувчиларга, албатта, илгариги пайтлар яхши эди. "Ҳашар борсам, нетади — ирғалсам, куним ўтади", деганларидек, умум ишда пана-панага бекиниб, кун ўтказсанг ҳам, номинг ишлаётганга чиқиб кетаверарди-да. Фермер хўжаликда эса одам фақат ўз кучи, меҳнати самарасини кўради. Ишласа, роҳатини кўради, ишламаса, заҳматини. Шунинг учун ҳар бир фермер ердан унумли фойда олиш учун астойдил ҳаракат қилади, ишга ер тилини биладиган мутахассисларни жалб этади.

Ўша даврларда ҳам жони ичига сиғмайдиган, қони қайноқ одамлар бўлган ва улар тузум қолипларига сиғмас, ўзларига йўл қидирар эди. Тадбиркор, ишнинг кўзини биладиганлар учун мустақиллик катта имкониятлар яратди, шубҳасиз. Узоқ йиллар халқимизнинг бир неча авлоди шу тузумда яшаб келди. Шу зайил одамларимизда замон талабларидан келиб чиқиб баъзи феълатвор шаклангани бор гап. Мустақиллик бошларида ҳаммамиз ҳам йўл топишда бироз эсанкирадик. Лекин халқимиз мустақиллик берган имкониятлардан бугун оқилона фойдаланмоқда. Бу йўл ҳам равон бўлмаслиги табиий, тўсиқ ва қийинчиликлар учраши, шубҳасиз. Уларни халқимиз меҳнатсеварлиги, ақлий салоҳияти билан енгиб бораверади. Бир гапни айтай: илгари ҳам, бугун ҳам ўзгармаган баъзи мезонлар бор. Булар — ҳалоллик, виждон, иймон, инсоф каби қадриятларимиздир. Ўйлайманки, халқимизда бу тушунчалар келажакда ҳам ўз қадрини йўқотмайди.

— Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида кенг ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шулардан бири ҳозир суҳбатимиз мавзуси бўлиб турган эски жамоа ва ширкат хўжаликларининг тугатилиши, янги фермерликка кенг йўл очилишидир. Лекин бу ўтиш жараёнидаги оралиқ вақтда баъзи муаммолар ҳам юзага келди. Аҳолининг даромадли иш билан таъминланиши масаласини ҳал қилиш фермер хўжаликлари фаолияти билан қай даражада боғлиқ, деб ўйлайсиз?

— Албатта, халқимизнинг асосий қисми қишлоқ жойларида яшаётганлиги ва шу соҳа билан банд бўлиб келганлиги сабабли уларни иш билан таъминлаш ҳам фермерлик билан боғлиқ кечади. Юқорида айтганимдек, энди илгаригига ўхшаб, бошқаларнинг меҳнати билан кун кўрадиганларга қийин бўлди. Чунки фермер иложи борича қўлидан иш келадиган одамни излайди. Шунинг учун бугун ҳам ишнинг кўзини биладиганлар бекор қолгани йўқ.

— Фермерлар кўпроқ қариндошларидан ишчи олишади...

— Бу фикрингизга тўла қўшилмайман. Тўғри, халқимизда қариндошга қайишиш одати борлиги рост. Меҳр-оқибат каби тушунчалар ҳам қадриятларимиздан. Лекин «Тишига қараб эмас, ишига қараб тўлашади» деган гап ҳам бор. Чунки менинг зиёнимга ишлайдиган қариндошдан кўра бошқа яхши эмасми? Тадбиркорларимиз ҳозирги кунда буни яхши тушуниб қолишди. Саволингизга қайтсак, бугун техника ривожланган, одам кучига олдингидек катта эҳтиёж сезилмайди. Қолаверса, ҳар бир тадбиркор кам ишчи кучи билан кўп ишни амалга оширишга ҳаракат қилади. Шунчаки ойлик учун келибкетиб юрадиган ишчи кимга ҳам керак? Колхозда-ку майли эди, кўпнинг ичида билинмасди. Шу боис фермер хўжаликларида собиқ колхозчиларнинг ҳаммасини иш билан банд этиб бўлмайди. Замон ўзгарди, тадбиркорликка кенг йўл очилди. Энди ерда ишлашни ҳаммаям хоҳлайвермайди. Ўзингиз айтгандек, бунинг машаққати бор. Халқимиз орасида фермер хўжаликларида ишлаётганлар ҳам, ўзи мустақил тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар ҳам кўп. Иложи борича янги иш ўринларини яратишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ишчиларимиз ўз вақтида маошларини олади. Яна, байрамларда рағбатлантириб турамиз. Мана, чорва фермамизда ҳам иш қизғин. Қорамолларни кўпайтириш ниятимиз бор, бу — янги ишчи кучига эҳтиёжни юзага келтиради...

— Баъзи жойларда ҳувиллаб қолган чорва фермаларига дуч келамиз. Сизнинг ишларингиз эса авжида. Деҳқончиликда омадингиз юришганини ота касблиги билан боғладингиз. Чорвачилик-чи? Менимча, ҳаммасининг сири меҳнатсеварлигу ишбилармонликда бўлса керак.

— Энди, қизим, етти аждодингдан қолган касбни давом эттирсанг-да, ўзингдан ҳам ҳаракат зарур. Тўғри, деҳқончиликдан ташқари, чорвачиликка ҳам меҳрим баланд. Ёшлигимдан ўзи мол-ҳол боқишга қизиқаман. Парваришларингдан сўнг жониворларнинг ўзгаришини кўриб, кўзинг қувнайди-да. Бекорга сигирни етти хазинанинг бири дейишмаган. 1999 йил чорванинг сони юзга яқин бўлса, бугунги кунда бу кўрсатгич анча юқори.

— Ҳозир неча бош эканлигини аниқ айтмаяпсиз-у, 2007 — «Ижтимоий ҳимоя йили»да кам таъминланган оилаларга 28 та чорва моллари тарқатилганидан ҳам уларнинг сони кўплигини билиб олса бўлади.

— ...

— Наслдорликни яхшилаш борасида ҳам ибратли ишларни амалга ошираётган экансиз?

— Наслдорлик кўп нарсани белгилайди. Меҳнатингни шундоқ юзага чиқариб кўрсатади. Жайдари чорвага қилган меҳнатинг ва харажатингни наслдор чорвага қилсанг, кўпроқ самара кўришинг мумкин. Шунинг учун ҳам биз бу ишларга катта эътибор қаратаяпмиз. Яқинда Белорусдан келтирилган олтита қора-ола зотдор сигирни сотиб олдик. Уларнинг ҳар бири кунига 20 литргача сут берар экан. Кўпроқ фойда олиш йўллари турганда, эскича иш усулимиздан воз кечолмасак, на дастурхонимизда барака бўлади, на чўнтагимизда. Ахир фермер ва тадбиркорнинг иши юришса, ўзига ҳам, халқига ҳам яхши-да. Ҳукуматимиз бизларга кенг имкониятлар яратиб бераётгани бежиз эмас. Ўз навбатида улардан оқилона фойдалана олмоғимиз зарур.

— Дўстмурод ака, одамлар билан суҳбатлашганимизда, сизни меҳнатсевар, халқ учун жонкуяр, кези келганда, анчамунча ҳотамтой инсон сифатида таърифлашди. Халқнинг бундай эътирофига ҳар ким ҳам сазовор бўлолмайди. Қолаверса, 1999 йил «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирландингиз, бу — хизматларингизнинг ҳукумат томонидан ҳам эътироф этилиши демак. Яна қандай бахт керак инсонга?

— Одам ҳамиша юксакликка интилади, эътироф этилгиси келади. Лекин ўз меҳнатларининг нимага лойиқ эканлигини ҳам англаши лозим. Мен ўзимни «Ўзбекистон Қаҳрамони»дек юксак унвонга сазовор бўламан, деб ўйламагандим. Эсимни танибманки, ҳар қандай ишга қўл урсам, астойдил меҳримни бериб бажаришга ҳаракат қиламан. Бу орада нимага эришган бўлсам, аксарияти истиқлолимиз билан боғлиқ. Шу боис доим мустақил бўлганимиз учун шукроналар келтириб ишлайман, яшайман. Эркимиз ўз қўлимизга ўтгач, яйраб ишлаш замони келди. Бунда ҳикмат кўп. Топганим ўзимга буюрармикан деган ҳадик билан меҳнат қилсанг, ишинг унмайди, барака қочади. Қолаверса, қилган озгина меҳнатинг мана бундай халқ томонидан, ҳукумат томонидан катта эътирофларга сабаб бўлса, яна енг шимариб ишлагинг, қамишдан бел боғлаб эл хизматида тургинг келади. Йилдан йилга яшараётгандек, ғайратинг келиб кетади...

Ҳилола ИСЛОМОВА суҳбатлашди.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Нигоҳимизда – ҳудудий нашрлар

Kesh

ДИРЕКТОР ГАЗЕТА ЎҚИЙДИМИ?

Мана 8 ойдирки, «КЕШ» газетаси таҳририяти бевосита давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил қилинган Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бажарилишининг амалга ошириш мониторинг»и бўйича грант устида самарали иш олиб бораяпти. ...маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2007 йилнинг июль ойидан буён тумандаги мактабларнинг 90 фоизига «КЕШ» умуман кириб бормаган. Хўш, шундай экан, таҳририят грантни ким учун амалга оширяпти? Агарки, берилган мақолалар, педагогик жамоалар, ўқувчилар орасида ишлаб чиқилмаса, қилинган барча меҳнат ҳавога учган бўлмайдими?

Тумандаги мактаблардан бирига кириб бораётиб, нохуш аҳволга кўзим тушди. (Раҳбар хотин киши бўлгани учун бу мактабнинг номини очиқ айтишни лозим топмадим.) Мактаб эгаси кўчиб кетган ҳовлини эслатарди. Тўғриси, мактаб ҳовлисидаги бесаранжомлик унинг раҳбарини вазифасига муносабатини кўрсатиб турарди.

Мен ўзимни таништирмадим, лекин суҳбат орасида газетамиз ҳақида гап очиб, унинг раҳбари ким эканлигини сўрадим. Суҳбатдошим ҳатто муҳаррирнинг исми-шарифини ҳам айтиб беролмади. Бундан шу нарса кўриниб турибдики, аксарият мактаб директорлари газета-журнал ўқимайдилар. Агар раҳбарда матбуотга ҳурмат бўлганида туманда нашр этилаётган ягона газетанинг муҳаррири кимлиги билан қизиқарди, албатта. Бу эса мактаблар, аксарият касб-ҳунар коллежларида матбуот нашрларига обунага ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти.

С. Примов
(«КЕШ», №2, 4 январь 2008 йил).

ХАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Ўтаётган 2007 йил мен учун жудаям қувончли, ютуқларга бой йил бўлди. Сабаби мен ушбу йилда ниҳоят «Келажак овози» кўриктанловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритдим. Эътиборли томони, ўтган йиллар давомида ҳам икки бор ушбу танловда қатнашиб, фақат вилоят босқичида ғолиблик билан чекланар эдим. Бу йил энг эзгу мақсадларимдан бири ижобат бўлиб, республика босқичини ҳам забт этдим.

Танловда кетма-кет уч марта иштирок этиб, шу нарсага амин бўлдимки, инсон ўз олдига қатъий мақсад қўйиб астойдил интилса, омад қуши уни четлаб ўтмас экан. Қолаверса, ёз ойида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган ёзги ўқув-семинарларда ҳам иштирок этдим. Бу каби танлов ва семинарлар ёшлар ҳаётида ўзига хос из қолдириши билан бирга уларнинг келгусида ўз ўринларини белгилаб олишларида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биз ёшлар эса бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан тинмай ўқиб-изланишимиз, жамият ҳаётининг олдинги сафларида бўлишимиз талаб этилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ёшлар бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучидир.

Азиз Нурий,
спорт шарҳловчиси.
(«Адолат кучи» – оммабоп ҳуқуқий газета, №53, 27 декабрь 2007 йил, Қашқадарё вилояти).

ШАҲРИХОНЛИК ЎЗБЕК ҚИЗИ ЯПОНИЯДА ДАРС БЕРМОҚДА

Шаҳрихон шаҳрида Муҳаммадкарим Турғунов ва Ҳалимахон Турғуноваларни иқтидорли ходимлар сифатида кўпчилик яхши танийди. Муҳаммадкарим ака агросаноат ходими, билимдон мутахассислардан бири. Умр йўлдоши Ҳалимахон опа педагог, туман халқ таълими бўлими методика кабинетида ишлайди. Мактабларда тиллар ва адабиёт ўқитиш аҳволини тобора яхшилаш учун ташкилотчилик кўрсатади. Туман ва вилоят миқёсидаги семинарларни ташкил этади, мақсадга мувофиқ ўтказилишини таъминлашга ҳисса қўшади.

Бу аҳил умр йўлдошлари оиласида ўсган тўрт қиз ва бир ўғил айни вақтда олий маълумотли, эл-юртга муносиб хизмат кўрсатмоқдалар.

Улардан бири Умидахон Шаҳрихондаги 2-лицей-интернатни тамомлаб, Фарғона давлат университетида ўқиди, инглиз тили ўқитувчиси бўлиб етишди. Аввал шу университетда ишлай бошлади. 2002 йилда Япония давлат гранти соҳиби бўлиб, Нагое штатидаги Жаҳон тиллари университети магистратурасига ўқишга кирди. Битиргач, ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Айни вақтда «Аёлларнинг жаҳон сиёсатидаги ўрни ва роли» мавзусида илмий тадқиқотини якунламоқда. Турмуш ўртоғи иқтисодчи олим бўлиб, «Япония ва Ўзбекистон иқтисодий муносабатлари» мавзусида илмий фаолият кўрсатмоқда. Улар бир неча тилни, аниқ айтганда, устоз Умидахон япон, испан, немис, француз каби жами ўн битта тилни билиши ҳайратланарли. Ёш оиланинг ўғилчаси ҳозирча тўрт тилни ўрганганлиги, гапира олишини ҳам қайд этмоқчимиз».

(«Азиз бўстоним» – таълим ва спорт-соғломлаштириш йўналишидаги газета, №12, 2007, Андижон шаҳри).

ПАРКЕНТ ТОНГИ

«ПАРКЕНТДА КЕЛИН САЛОМНИ КЎРДИМ...»

— дейди Францияниг Ўзбекистондаги элчиси рафиқаси Франсуаз Пэрнэ

Не бахтки, мустақиллик бизга кенг имкониятлар очиб бермоқда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, мавқеи кундан-кунга ўсиб бормоқда. Хорижликларнинг серқуёш диёримизга бўлган қизиқиши ортаётганлиги бизни беҳад мамнун этаётир.

Азиз муштарийларимизнинг ёдида бўлса, газетамизнинг 2007 йил 1 январь сонида Францияниг Ўзбекистондаги элчиси Жан Бернард Арт билан газетамиз саҳифасида мулоқот эълон қилинган эди. Элчи жаноблари рафиқаси билан туманимиздаги 9-мактабга ташриф буюриб, Паркентдан бир олам таассуротлар билан қайтган. Жан Бернард Артнинг мамлакатимиздаги элчилик ваколати муддати тугаб, унинг ўрнига янги элчи ташриф буюрди. Янги йил арафаси, декабрь ойининг сўнгги кунлари элчининг рафиқаси Франсуаз хоним Пэрнэ Паркентга қадам ранжида қилди.

9-ўрта мактабда меҳмон бўлган Франсуаз хоним Паркентдаги француз тили ўқитувчилари, ўқувчилар билан дилдан суҳбатлашди. Олиб келган янги луғатлар, ўқув қўлланмаларини ўқитувчиларга инъом этди.

Биз фурсатдан фойдаланиб Франсуаз хоним Пэрнэдан «Паркент тонги» газетаси учун интервью беришни илтимос қилдик. Бу таклифни меҳмон қабул қилди.

— Франсуаз хоним, Сизни серқуёш диёримизга, унинг муқаддас бир бўлаги ҳисобланган Паркентга ташрифингиз билан қутлаймиз.

— Ўзбек халқи жуда меҳмондўст, кўнгли очиқ. Бундан 35 йил муқаддам мен Ўзбекистонга келганман. Самарқанд, Бухоро шаҳарларини кўрган эдим. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жуда юксалибди. Шаҳар ва қишлоқлари чирой очибди. Паркент ҳавоси менга жуда ёқди. Айниқса, бу ердаги тўйларда бўлдим, «келин салом» каби удумларингиз мени мафтун этди.

Суҳбатдош: Тўйчи Дўстматов
(«Паркент тонги» газетаси, 1 январь 2008 йил).

Шоқаҳҳор САЛИМОВ тайёрлади.

Тор кўчадаги «томоша»

(Бошланиши 1-бетда.)

Бу ҳолатда Урганч шаҳар ҳокимияти қарори билан 3-сон вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳудудида нафақат спиртли ичимликлар сотиладиган, балки ичиладиган ресторан типидаги тўйхона қуришга рухсат берилганлигини қандай тушуниш мумкин? Бундан ташқари ушбу ҳудудда 150 метр масофагача яқинликда 2-сонли мусиқа мактаби, 12-сонли умумтаълим мактаби, спорт залли, болалар аквапарки ва чет эллик сайёҳлар учун «Жайхун» меҳмонхонаси жойлашган. Бундай жойда ҳамда автотранспортлар шиддатли ҳаракатланадиган магистрал йўл айлана бурилиши ёқасида кўп кишилик шовқинсуронли тўй тадбирларини ўтказиб бўладими? Айтайлик, марказий хиёбон ёнидаги тинч кўкаламзор жойда дам оладиган спортчилар, болалар ва чет эллик сайёҳлар тўйдан кейин бир гуруҳ одамларнинг тартибсиз ва ноодатий ҳаракатларини қандай қабул қилишаркин? Бунинг устига шу ҳудуд атрофида тўй ўтказишга мўлжалланган 3 та бино ва 2 та автомобиллар сақлаш жойи мавжуд. Шундай экан, ҳақли савол туғилади: ижтимоий-маданий мақсаддаги объектлар жойлашган шаҳар марказида 250 туп манзарали ва мевали дарахтларни кўпориб тўртинчи тўйхона ва учинчи автомобиллар сақлаш жойи қуриш шунчалик зарурмиди?

3-сон вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Шуҳрат Ваисов бу масалага шундай изоҳ берди: «Мен ушбу ўқув даргоҳига ишга келмасимдан олдин тўйхона қуриш учун шаҳар ҳокимининг қарори чиққан. Спорт зал, теннис майдончалари ва бинолар бизнинг ихтиёримизда қолди. Бу масалага бизнинг ҳеч қандай алоқамиз йўқ». Изоҳга ҳожат ҳам йўқ.

Ушбу спорт мактабига қўшни бўлган «Ихтиро» илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш фирмаси директори, техника фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор Ўктам Муҳаммадиев шундай дейди: «Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 февралдаги 05-9-3/09.03.07-сонли қарорига асосан хусусий тўйхона қурилишига ер ажратилган, деб қурилиш ишлари бошланди. Аслида эса марказий хиёбонда фақат «Саноатқурилишбанк»и биноси қурилишига рухсат берилган. Йўллар кўкаламзорлаштирилиб турилган бир пайтда аввалдан кўкаламзор ерлар ноқонуний ҳолда тўйхона қурилишига берилган. Шунингдек, фирмага қарашли қонуний 450 кв. метр ер участкаси биноси билан тўйхона қурилиши учун ажратилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

2007 йил 14 майда «Ирригация темир бетон қурилиш» МЧЖ Урганч шаҳар ҳокимиятининг юқорида тилга олинган қарори билан «қуролланиб» (дарвоқе, қарор халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ва қонуний кучга эга эмасди) спорт мактабининг унумдор еридаги 23 туп манзарали дарахтни ўзбошимчалик билан чопди. Шунингдек, МЧЖ 3-сон вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ишлаб турган чиқинди сув тўпланадиган иншооти, унга борадиган йўлни бузиб ташлаб, иссиқлик тармоғи устига 660 квадрат метр майдонда тўйхона пойдеворининг қир қисмини қурди. Эндиги навбатда 200 тупга яқин мевали ва манзарали дарахтларни ноқонуний чопиб тўйхона ва автомобилларни сақлаш жойи қурилишини давом эттириш масаласи турибди.

Амалдаги қонунчиликка асосан эса, шаҳар ҳокимияти қарор қабул қилишдан олдин спорт мактаби ҳудудидан тўйхона қурилиши учун ер ажратиш ва муҳандислик тармоқларини бузишни сўраб унинг эгаси — Республика Халқ таълими вазирлигидан рухсат олиши керак эди, иккинчидан, шаҳар ҳокимияти қонун талабига хилоф равишда 250 туп манзарали ва мевали дарахтларни ҳамда ўнлаб мевали ўсимликларни нобуд қилишга йўл қўядиган тўйхона ва автомобилларни сақлаш жойи қурилишига ер ажратиш ҳақидаги ўз қарорини республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишмаган ҳолда чиқарди

Ажабланарлиси шундаки, шаҳар ҳокимининг 2007 йил 7 майдаги 248-сонли қарори ва доимий ишловчи комиссиянинг санасиз ва сонсиз далолатномасида тўйхонадан шимолда жойлашган «Ихтиро» илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш фирмасининг ер участкаси ва биноси ҳам тўйхона учун ажратилган 1800 квадрат метр майдон ҳудудига қўшилиб кетган.

«Шаҳарсозлик тўғрисида»ги Кодекснинг 4-моддасига асосан, агар шаҳарсозлик фаолияти жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларига зид бўлса, бундай фаолият тугатилиши керак. Юқоридаги тилга олинганлардан келиб чиқсак, Урганч шаҳар ҳокимининг ушбу қарори амалдаги қонунчилик ва меъёрларга бутунлай жавоб бермайди. Аммо... бу қонун-қоидалар бир чеккада қолиб, шаҳар ҳокими ўз қарорини худди рисоладагидай билиб, жамоатчиликнинг кўплаб эътирозларига парво қилмай турибди.

Бу масалага янада ойдинлик киритиш мақсадида қарор қабул қилган маҳаллий ҳокимликка йўл олдик. Урганч шаҳар ҳокими Баҳром Оллоберганов тўйхона ўрнига энди бошқа объект қуриш учун янги қарор чиқарганини маълум қилди. Қизиқ, ўша ерга нимадир қуриш шунчалик муҳимми ёки қуришга қарор чиқариб бериш муҳимми?..

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ҳуррият» мухбири.

ИМКОНИЯТ

Ғолибларга бир миллион сўм

Яқинда "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши биносида бешинчи йилдан буён ўтказилиб келинаётган "LG Grant" танловининг бу йилги очилиш маросими муносабати билан матбуот анжумани уюштирилди. Лойиҳа Жанубий Кореяга қарашли LG Elektronics Inc компаниясининг юртимиздаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида таъсис этилган. Мазкур танлов тўлов шартномаси асосида таҳсил олаётган истеъдодли ёшларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб, уч босқичли синов асосида энг қобилиятли талабалар танланади.

Биринчи босқичда махсус баҳолаш ҳайъати тузилади ва белгиланган ҳужжатлар қабул қилинади. Иккинчи босқичда тест ва иншо орқали талабаларнинг касбий билимлари баҳоланса, охирги босқич суҳбат асосида ғолибларни аниқлаб беради.

Матбуот анжуманини LG Elektronics Inc. компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ким Джонг Кван ўз кириш сўзи билан очиб, бу йилги танловнинг олдингиларидан фарқли жиҳатлари ҳақида маълумот берди. Унинг айтишича, энди Самарқанд шаҳри талабалари ҳам Тошкент ёшлари қаторида ўз билим ва қобилиятларини синаш имконига эга бўлишади. Ғолиблар сони эса ўнта эмас, йигирмата бўлиб, уларнинг ҳар бири бир миллион сўм миқдоридаги мукофот билан тақдирланиши кўзда тутилган.

Анжуманда иштирок этган ОАВ вакиллари ва талаба ёшларни ўйлантирган саволларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари Хуррам Ҳайдаров ва "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Қаҳрамон Хуррамбоев муфассал жавоб беришди.

Гавҳар СУВОНОВА

TURON BANK

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ

«OPTIMA»

ОМОНАТ

турини таклиф этади:

❖ Омонатнинг энг кам миқдори 1000 АҚШ доллари;

❖ Омонат муддати 12 ой;

❖ Фоизлар омонат расмийлаштирилган куннинг эртасидан бошлаб йиллик 12% миқдорида ҳисобланади;

❖ Фоизларни ҳар ой ёки омонат муддати тугагандан сўнг АҚШ долларида олишингиз мумкин.

«OPTIMA» — маблағингизни кўпайтиришнинг энг ОПТИМАЛ йўли.

Ҳаво тўлқинларида

Мумтоз наволар кўнгилларга кенглик бахш этади, руҳга ором беради, хаёлларни узоқ-узоқ даштликлар сари бошлайди. Бунда сойнинг жилдираши, тоғларнинг юксаклиги, шамолнинг шўхлигию саҳроларнинг чексизлиги бор. «Mashal» радиоканали эса ҳар куни бу туйғуларни кўнгилларга кўчиришга интилади. «Sport» телерадиоканали таркибидаги ушбу каналнинг «Мусиқий ва маърифий эшиттиришлар муҳарририяти» катта муҳаррири Саодат Ҳайдарова билан айнан шулар ҳақида суҳбатлашдик.

– Сизни «Назм гулшанида», «Хайрли кун», «Эзгулик ёғдулари» ҳамда «Созлар садоси гўзал» эшиттиришлари орқали яхши таниймиз. Келинг, суҳбатимизни ижодингиздаги янгиликлардан бошлайлик.

– «Mashal» радиоканалида янги йилдан бошлаб уфқ ёриша бошлаган чоғдан (соат 5.10-6.50 гача) тингловчиларимизнинг тонгдаги кайфиятларига ҳамоҳанг «Субҳидам саломи» эшиттиришини бериб боряпмиз. Мен ҳар куни эфирга узатиладиган шу эшиттиришнинг чоршанба кундаги сони муаллифиман. Ушбу лойиҳа янги ижодий изланишлар билан шуғулланишимга туртки бўляпти. Шу баҳона тимсолсиз гўзалликка эга бўлган тонгни мисраларга кўчираман. Мумтоз шоираларимизнинг, ёш ижодкорларимизнинг шеърларидан фойдаланиш билан бир қаторда, ўзим ҳам ижод қилишимга тўғри келяпти.

– «Ўзбекистон овози» газетаси, «Шарқ юлдузи» журналида ҳам кўп йиллар фаолият юритгансиз. Адашмасам, охирги ўн йил давомида «Mashal»да ишлаб келяпсиз. Газетачиликнинг иши қийин эканми?

– Йўқ! Ҳозир ҳам газетага қайтгим келади, аммо бу муҳитга ўрганиб қолганман. «Mashal» радиоканалининг ўзига хос тарихи, ўзига хос мактаби бор. Бу ерда катта-катта лойиҳалар, долзарб мавзулардаги публицистик эшиттиришлар тайёрлаш мумкин. Аммо, уларнинг ҳаммаси «ҳаво»га кетади, назаримда. Газетада эса ҳар ҳолда маҳнат маҳсулингни йиллар оша ҳам сарҳисоб қилиш, уларни кўриб умринг зое кетмаганини ҳис қилиш мумкин.

– Демак, шунча меҳнатларим бекорга кетяпти, деб ўкинар экансиз-да?

– Мухлислар қўнғироқ қилиб, эшиттиришимни кузатиб боришаётгани, уларга манзур бўлаётганини айтишганда, меҳнатларим зое кетмаётганидан қувонаман. Бизни халқ эшитиб тургани кўнглимда ифтихор туйғусини уйғотади. Эшиттиришларимизни юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам тинглаб, ҳатто доимий хатлар ёзиб туришади. Ўйлашимча, шунинг ўзи радиожурналист учун бахт бўлса керак.

«Mash`al» — кўнгил истаган радио

– Назаримда, бу канал мухлисларининг кўпчилигини катта ёшли тингловчилар ташкил этади. Ёшлар кўпроқ енгил руҳдаги FM каналларга ўрганиб қолишди, шекилли.

– Ҳақиқатан ҳам, кўплаб ёшларимиз турли енгил-елпи куй-қўшиқлар билан безатилган FM каналларни тинглашяпти. Бугун шу нарсага эҳтиёж бор экан, қабул қилишяпти. Лекин, кузатаётган бўлсангиз, аста-секин ўзликка қайтиш бошланяпти. Енгил-елпи эшиттиришлар ёшларнинг ҳам меъдаларига тегмоқда шекилли, мухлисларимиз сафида янги авлод вакилларини ҳам кўриш мумкин. Менимча, барибир умрбоқий қўшиқларимиз бор экан, «Mashal» ҳали узоқ яшайди. Ўз-ўзидан бугунги ёшларда ҳам бир кун келиб, шу нарсага эҳтиёж туғилади.

– Саодат опа, бирор эшиттириш эфирга узатилса халқ кўпинча бошловчини эъзозлайди. Лойиҳа муаллифини, тан олиб айтиш керак, кўп ҳолларда танишмайди ҳам. Умуман, сизнинг шу ҳолатга муносабатингиз қандай?

– Тўғри, шунақаси ҳам бўлиб туради. Бир-икки йил олдин «Созлар садоси гўзал» деган эшиттиришим бўларди. Уни радиобошловчи Носиржон Деҳқонов олиб борардилар. Лойиҳа эфирга кетган куни мухлислар тинимсиз қўнғироқ қилиб Носиржонни табриклашаркан. Буни Носиржоннинг ўзи кулиб-кулиб гапириб берарди. Эшиттиришнинг яхши чиқиши бошловчининг ўша матн моҳиятини қай даражада ҳис қилишига ҳам боғлиқ. Агар матн юксак даражада ёзилган бўлсаю, суҳандон уни тингловчиларга етказиб бера олмаса, унда муаллифнинг меҳнатига ачиниш мумкин. Шунинг учун яхши эшиттиришга муаллифнинг ҳам, бошловчининг ҳам хизмати тенгма-тенг бўлади. Муаллифнинг исм-фамилияси эшиттириш охирида эълон қилинади. Аммо, баъзан вақт етмай, баъзан бошловчиларнинг «Мен»и устунлик қилибми, муаллиф унутиб қўйилади ва ўзўзидан тингловчилар лойиҳанинг муаллифи сифатида бошловчини билишади. Ҳатто ҳозирги айрим радиоканалларда муаллиф номи умуман айтиб ўтилмайди. Бу, биринчидан, муаллифлик ҳуқуқига путур етказса, иккинчидан, қайсидир маънода халқни алдаш ҳам ҳисобланади. Бундай ҳолатларда кўнглимиз оғриниши табиий.

– Саодат опа, охирги пайтларда радионинг ҳаётига шундай шўнғиб кетдингизки, Сизни шоира сифатида билганларнинг ёдларидан кўтарилдингиз-ов! Негадир янги китоблар, матбуотда чиқишлар қилмай қўйдингиз.

– Ўзингиз ҳам биласиз, радио журналистиканинг жуда ҳам тезкор соҳаси. Битта эшиттиришни тайёрлаб бўлмай туриб, иккинчисини бошлашга тўғри келади. Бу билан ўзимни оқламоқчи эмасман. Худо хоҳласа, нафақага чиқиб олай (кулиб), шеър, бадиа, ҳикояларимни тўплаб китоб чиқариш ниятидаман. Ҳақиқий мухлисларим эса, ўйлайманки, мени унутишгани йўқ.

«Ҳуррият» мухбири Ситора ТОЖИДДИНОВА суҳбатлашди.

ТААССУФ

Тасдиқланмаган далолатнома, асоссиз баҳолаш, бузилган низом

ёки "кимошди" савдоси ҳақида сотилгандан сўнг берилган эълон ва бошқа ҳолатлар хусусида

"Олтиариқ туманидаги "Ўрта Осиё" жамоа корхонасининг мол-мулклари 1999 йилдан бошлаб, Муқимий ҳазратлари ибораси билан айтганда, "селларда қолди". Бу шундай сел эдики, унда корхона мулклари сувтекинга оқди.

"Ўрта Осиё"нинг бюджет олдидаги 9 миллион 999 минг 300 сўм қарзини ундириш хўжалик судининг буйруғи билан корхона мол-мулкига қаратилади. Мол-мулклар туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан хатланади, баҳолатилади ва сотилади. Масалан, "КамАЗ" автоулови рефрежератори (совутгичи) билан 1 миллион 50 минг сўмга сотилади. Уни бундан бир неча баравар қимматроққа олмоқчи бўлган корхона аъзолари "аттанг" қилганича қолаверишади. "МАЗ" автоуловининг сотув баҳоси эса 320 минг сўм бўлган. Сиз ишонинг-ишонманг — шундай, қоғозда шундай!

Бу "баҳо"лар қаердан олинди ёки қаерда бор, деб савол беришингиз мумкин. Ваҳоланки, бундай саволга "Ўрта Осиё" корхонаси аъзолари ҳам бир неча йиллардан бери жавоб қидиришмоқда. Баҳолаш шундай ҳужжатлаштирилганки, масалан, "КамАЗ" автоулови баҳосини белгилашда собиқ "Нуробод" жамоа хўжалиги техника назорати муҳандиси В.Магруповнинг тавсифномаси асос қилиб олинган.

Ёки корхона раҳбари — Абдухалил Маматовнинг уйидаги меҳмоннинг мусодара қилинган "Ауди-100" русумли машинасини баҳолашда туман СЭСидан вакил қатнаштирилган. Ниҳоят, бозор нархида 9 миллиондан кам бўлмаган "Ауди" туман солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосарининг укасига тегишли дўкон орқали 250 минг сўмга сотилган. Ишонинг — қоғозда шундай!

Туман солиқчилари томонидан 0,78 гектар ердаги ўн йиллик 223 туп хурмо дарахти мевалари билан 600 минг сўмга сотилган. Хурмозорни баҳолаш Олтиариқ деҳқон бозори маъмуриятининг "1-4 йиллик хурмо кўчатлари 200-400 сўмдан сотиляпти" деган мазмундаги маълумотномаси асосида амалга оширилган. Бу асос бўла қолсин. Лекин маълумотномада фақат гап кўчат ҳақида кетаяпти, дарахт тўғрисида эмас. Дарахтнинг нархини ким чиқаради? Мевасининг-чи?

Биз булар ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз. Юқоридаги ҳолатларга бир куни қонун ўз сўзини айтиши аниқ. Ҳудди шундай сотув объекти ва бу ҳолат атрофидаги оворагарчиликлар хусусида бироз гаплашсак.

Солиқчилар томонидан қарзни қоплаш учун корхонанинг 11 та объектдан иборат маъмурий биноси ҳам хатланиб, бир қисми фуқаро Лазокат Маматовага 5 миллион 403 минг сўмга сотилган. Бундай сотув ғаройиблиги билан Гиннеснинг рекордлар китобига бемалол кирса бўлади. Дарвоза сотилмаган, йўлак эса кетган; ҳовлидаги тоқлар (ишкоми билан), торозихона, ҳовуз, ортезиан қудуғи ва консерва цехи корхона ихтиёрида, атрофдаги маъмурий бино эса сотилган.

Консерва цехи билан токларга эгалик қилайлик дейишса, уларга олиб бориладиган йўл бировники. Йўлак билан бино эгалари ўтишга қўймайди. Ҳовуздан сув ичиш учун оёқ эмас, қанот керак. Ердан эса йўл йўқ, учиб ўтай дейишса қанот. Хуллас, амалда уларга тегишли эмас мулкнинг бир қисми аслида уларники — қоғозда шундай.

Ана шундай кулгили ҳолатни пайдо қилган сотув кўплаб ноҳушликларга, жанжалларга сабаб бўлганлигини, бўлаётганини афсус билан таъкидлаш керак. Одамлар орасига нифоқ солувчи бундай сотув "тартиби" қайси қоида асосида амалга оширилганини ҳеч ким тушунтириб беролмаса керак...

Бу ҳолатга Наманган вилоят хўжалик суди апелляция ҳайъатининг хусусий ажримида (2003 йил 18 апрель) шундай баҳо берилган:

> *"... корхонанинг маъмурий биноси сотиб юборилганлигини, сотилмай қолган мулкларга кириш учун шу маъмурий бино ҳудудидан ўтишлари лозимлигини, бироқ янги мулкдорлар уларнинг мулкларидан фойдаланиш ишда тўсқинлик қилаётганликларини ўрганиб чиқиб, бундай ҳолатнинг юз беришида солиқ инспекцияси ходимларининг Низом талабларига риоя этмай, мулкларни навбат асосида сотишни ташкил қилмаслигидан келиб чиққан, деб ҳисоблайди".*

Суднинг қайд этишича, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бундай маъмурий бинолар Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 8 ноябрда тасдиқланган Низомга асосан охирги навбатда сотилиши белгиланган. Лекин корхонанинг 28 номдаги бошқа мулклари бўла туриб, Олтиариқ тумани солиқ инспекцияси ходимлари томонидан негадир маъмурий бино сотиб юборилган...

Фарғона вилояти прокуратураси маълумотида ёзилишича, *"...Фарғона вилоят хўжалик судининг 12.02.2002 йил кунги ажрими билан ушбу судининг Олтиариқ туманидаги "Ўрта Осиё" тайёрлов-савдо жамоаси бирлашмаси ҳисобидан бюджет олдидаги 9,999,300 сўмлик боқиманда қарзини ундиришни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги буйруғини бажаришда туман ДСИ мансабдор шахслари томонидан қонунбузилишларига йўл қўйилганлиги ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "в" банди билан жиноят иши қўзғатилган.*

Жиноят иши юзасидан ўтказилган кейинги тергов ҳаракатлари давомида Олтиариқ туман ДСИ ходимлари томонидан қарздорнинг мулкларини баҳолаш ва сотишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.11.1996 йилдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган "Солиқлар ва бюджетга тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида"ги Низом талаблари бузилганлиги ўз тасдиғини топган.

Тергов давомида ДСИ бошлиғи М.Мирзаев ва боқиманда бўлими собиқ бошлиғи Б.Исмоиловлар туман прокуратура терговчисининг 3.10.2005 йилдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "в" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликлари учун жиноят ишида гумонланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган.

Гумонланувчилар М.Мирзаев ва Б.Исмоиловлар содир этган жиноий ҳақиқат, фуқаролар судга маълум бир масалада қонуний хулосага келиш учун мурожаат қиладилар.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг кассация инстанцияси ажримига кўра, бу қарор ўзгартирилди. Даъвогарнинг олди-сотди шартнома-контрактни, далолатномаларни ҳақиқий эмас деб топиш, ноқонуний эгаллаб турган жойдан чиқариш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилди. Олди-сотди шартномаси ҳам, баҳолаш-хатлаш далолатномалари ҳам бекор бўлди, жавобгар Л.Маматова "Ўрта Осиё" бино ва иншоотларидан мажбурий тартибда чиқариладиган бўлди.

Дарҳақиқат, маъмурий бино сотуви билан боғлиқ ҳолатлар кишини ёқа ушлатади. Дейлик, у 2000 йил 9 октябрда сотилган бўлса, ушбу объект сотилиши ҳақидаги эълон "Давр овози" газетасида 21 октябрь куни чоп этилмоқда, яъни иншоот сотилгандан 12 кундан кейин... Аслида бундай эълонлар савдо кунидан камида 30 кун илгари чиқарилади. "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига асосан баҳолаш фаолияти лицензия асосида амалга оширилиши зарур. Лекин ушбу маъмурий бино рухсатнома-лицензияга эга бўлмаган шахслар томонидан баҳоланган. Ҳатто туман кадастр хизмати ва буюртмачи бўлган туман ДСИ ўртасида баҳолаш ҳақида шартнома ҳам тузилмаган. Юқоридаги қонун талабига кўра эса баҳоловчи ва буюртмачи ўртасида тузилган шартнома баҳолашни ўтказиш учун асос бўлади. Қонун талаб қилаётган асос эса йўқ...

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган юқорида айтилган Низомнинг 9-банди 5-қисми талабига асосан юқоридаги далолатномалар ДСИ бошлиғи ва унинг ўринбосари томонидан тасдиқланиши ҳамда муҳр қўйилиши керак. Лекин далолатномаларда имзолар ҳам, муҳр ҳам йўқ.

Ушбу Низомнинг 12-бандига асосан хатланган мулклар шартномавий-комиссион асосларда ёки аукцион савдолари орқали реализация қилинади. Шартномавий-комиссион асосларда реализация уч томонлама — қарздор ташкилот, солиқ органи ва савдони ташкил этувчи шахс ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Агар бундай келишувга эришилмаса, оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериш йўли билан аукцион савдолари орқали реализация қилинади. Ваҳоланки, ДСИ томонидан на униси қилинган, на буниси.



> *11 та бино ва иншоот, 0,78 гектар ердаги ўн йиллик 223 туп хурмо дарахти Л.Маматовага 5 миллион 403 мингга сотилаяти. Юқоридаги Низом талабига биноан, мол-мулкларни баҳолашда талаб ва таклифнинг бозор коньюктураси тўғрисидаги маълумотларга асосланиши зарурлиги инобатга олинса, "Ўрта Осиё"нинг бу мулклари ҳам бошқалари каби сувтекинга сотилгани кўриниб турибди.*

Кассация босқич судьялари (З.Ҳамидов, Х.Тошпўлатова, М.Қодиров) бу ҳолатларга қонуний баҳо бергани "Ўрта Осиё" корхонаси аъзоларида ушбу масалага адолатли якун ясалишига ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Акбар АБДИМУРОД, журналист

ТАДҚИҚОТ

БИЗ БИЛГАН, БИЛМАГАН ТАРИХ

Самарқандлик МУТАФАККИР

Сайди УМИРОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети кафедра мудири, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

С.А. ЖУМБОҒИ

Файбуллоҳ ас-Салом 1964 йили нашр этилган "Тил ва таржима" китобида ўтган асрнинг ўнинчи, йигирманчи, ўттизинчи йилларида С.А. имзоси билан кўп ва ранг-баранг асарлар эълон қилган муаллиф билан қизиқиб қолгани, хаёлини мудом банд этгани, вақти-соати билан жиддий шуғулланишни ният қилганини айтар эдилар. С.А. ёзган асарлар тили, услуби Садриддин Айнийникига ўхшамас; демак, бошқа зўр, истеъдодли муаллиф ҳақида сўз борар эди.

"Сиз суриштириб юрган муаллиф Саидризо Ализода бўлади, — дейди бир куни самарқандлик иқтисодчи олим Эркин Хўжаев. — Мана бу манзилга бориб, мана бу одамлар билан учрашсангиз кўп нарсалардан воқиф бўласиз".

Тугуннинг учи топилганидан қувониб кетган серҳафсала, куюнчак домла бетоблиги, иш-ташвишларини унутиб дарҳол Самарқандга йўл олади, Ализоданинг жигарбандлари, қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари билан танишади, ул зотни кўрган, билган кексалар билан суҳбатлашади, айниқса невараси, геолог Фарҳод Ализодадан кўп маълумот олади, "Уни "Оғо" дер эдилар", "Моваройуннаҳр фарзанди", "Соҳиби даврон" номли мақолалар эълон қилади, "Мангуликка пойдор" деган радиокомпозиция тайёрлайди, телевизорда чиқади, донишманд таваллудининг 105 йиллигида маъруза қилади, йирик, мароқли тадқиқот ёзиб "Эзгуликка чоғлан, одамзод" китобига (1997) киритади, 500 га яқин асари таржималари Марказий Осиё, Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Озарбойжон, Тожикистон, Татаристон, Қримда чоп этилган, чақув билан қатағон қурбони бўлиб узоқ вақтлар ватандошларига номаълум бўлиб келган қомусий билим соҳиби, муаллим, мураббий, муҳаррир, мутаржим, муғанний, муаррих, тилшунос, журналист, ношир, шоир, актёр, режиссёр Саидризо Ализодани қайта кашф этишга салмоқли ҳисса қўшганлардан бири бўлади.

ҚАЛАМИ ЎТКИР ЖУРНАЛИСТ

Зеҳни ўткир, қуввайи ҳофизаси кучли, тиришқоқ Саидризо ўз устида тинимсиз ишлайди, тилларни мустақил ўрганишга ружу қилади, ўзбек, тожик, рус тилларида матбуотга хат, мақолалар ёзиб туради, "Самарқанд" газетаси, "Ойина" журналида Беҳбудийнинг яқин ҳамкори бўлади, "Телеграф хабарлари" номли варақани ўзбек тилида ўз ҳисобидан чиқаради (1914), "Шарқ" газетасига муҳаррирлик, "Ҳуррият" газетасида таржимон ва мухбирлик (1917), 1922 йилдан "Зарафшон" газетасида бўлимга мудирлик қилади, "Овози тожик" газетаси асосчиларидан бири бўлади, унга масъул котиблик қилади. 1919 йили ўша давр руҳига мос "Шарқ машъали" номида ҳафталик журнал ташкил этади ва уни бошқаради. Форси ва тожик тилларида нашр этилган, адади 4 минг нусхага яқин бўлган ушбу мажалла Ўрта Осиё, Кавказортидан ташқари, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, бир қанча араб мамлакатларига тарқалган эди. С.Ализода "Туркистон хабарлари", "Камбағаллар ўқи", "Ҳуррият", "Меҳнаткашлар товуши", "Бухорои шариф", "Турон", "Самарқанд овози", газеталари, "Машраб","Мулла Мушфиқий" журналларида тез-тез чиқиб турган. Танқидий мақолалари, фельетонлари Баҳлул, Замбур, Ранжбар, Боғишамолий, Шапалоқ, С.А. каби тахаллуслар (жами 20 тача) остида босилган.

"Таёқ" газетасининг 1920 йил 1-сонида босилган фельетонида. "Большевикларнинг ҳукумат оти билан қилғон хиёнат ва фисклари" мусулмон халқини мусибат ва балолар, мудҳиш оқибатларга олиб келишини башорат қилган, ҳушёр кўз, тиниқ ақл билан огоҳлантирган эди. Эрк, ҳуррият, тинчлик, осойишталик, ижтимоий ҳаёт, маънавият, маърифат, адолат, инсонпарварлик, дўстлик, ҳамкорлик, тил, адабиёт, санъат, ҳушёрликка даъват ва ҳ.к. - мана Ализода публицистикасининг мавзу-муаммолари доираси.

Большевиклар сиёсатига шубҳа билан қаровчи ўткир мақола, фельетон, памфлетлар ёзиш учун кўп тилни билишдан ташқари кенг савия, қомусий билим, жасорат, маҳорат ва яна бир қанча сифатлар талаб этиларди-ки, буларнинг бари Саидризо Ализодада мужассам эди. Англия разведкаси жосуслари унинг боши учун бежиз эллик минг фунт стерлинг мукофот ажратмаганди; большевиклар эса ватан, миллат равнақи йўлидаги катта меҳнати, сидқидил хизмати эвазига уни инглиз жосусига, халқ душманига чиқариб чақув юштиришган, ҳибсга олишган.

Журналистлиги, ёзув малакасини эгаллаганлиги, Эронда уч йил ўқиб келганлиги, кўп тилни билиши маърифатпарварлигига кенг йўл очиб беради. Самарқандда камбағал деҳқон фарзандлари учун мактаб очиб, муаллимлик қилади, "Сарфи араб", "Туркий алифбо", "Тарих", "Жуғрофия", "Риёзиёт", "Хандаса", "Табиат", "Дин вожиблари", "Низомнома", "Бадан тарбияси", "Илми фазо" номли ўн битта дарслик тузади; ўзбек мактаблари учун "Биринчи йил" номли алифбо ёзиб, бепул тарқатади, тожик тилида "Сарф ва наҳв" (1924), ўзбек тилида "Ҳосилот" (1926) китобларини ёзиб чоп эттиради, Самарқандда яшайдиган руслар учун кечки курслар очиб, ўзбек ва форс-тожик тиллари ўқитади, мутафаккир Абдулла Шоиқ билан янги озарбайжон алифбосини тузади, 2 жилдлик русча-тожикча луғат тузиб (1933-1934) нашр эттиради, 1933-1937 йилларда СамДУда араб ва форс тилларидан ўқитувчилик қилади, Ҳамид Олимжон, Ўткир Рашид каби ижодкорларга дарс беради, журналист Шароф Рашидов, файласуф Иброҳим Мўминовлар билан мулоқотда бўлади. Лоҳурдан меҳмон бўлиб келган Мирмуҳаммад Гармони Афғон деган ноширни бир неча кун меҳмон қилиб, унга "Маросилот", "Туркистон тарихи", "Русия тарихи","Умумий европа тарихи", "Ислом тарихи", "Ислом ақидалари", "Фазо илми" китобларини, "Саодат асри" номли романи ва таржима асарларини ишониб топширади. Большевиклар ҳукуматининг сўзи билан иши бир жойдан чиқмаётганини кўриб, билиб, хавфсираб юрган мутафаккир асарлари бу ерда чиқмаслигига, йўқотиб юборилиши эҳтимолига кўзи етгани (камалганидан кейин шундай бўлди ҳам) учун шундай қилган бўлса керак деб ўйлагинг келади. Афғон ноширига берилган китоблар тақдири узоқ вақт номаълум бўлиб келди, фақат кейинчалик улар 1923-1933 йилларда Лоҳурда чоп этилгани маълум бўлди.

С. Ализода "Капитан қизи", "Борис Годунов", "Дубровский", "Евгений Онегин", "Тирилиш", "Ревизор", "Очилган қўрик", "Цемент", "Пўлат қандай тобланди" асарларини русчадан ўзбек, форс, тожик тилларига ўгираради, французчадан Мольер, Мопассан, инглизчадан Эптон асарлари таржимасига қўл уради. (Қуръони каримнинг айрим оятларини фаранги тилга ўгиргани ҳақида ҳам маълумотлар бор). Ибн Сино, Фирдавсий, Ҳизомий, Фузулий, Навоий асарларидан рус тилига таржималари ҳам таҳсинга лойиқ иш эди. С. Ализода "Меҳробдан чаён"ни шундай маҳорат билан ўгирган эканларки, бир одамдан асар ҳудди тожик тилида ёзилгандай равон, силлиқ чиққан деган мақтовни эшитиб фахрланиб кетдим, бобом Самарқандда кўп бўлган, бир муддат у ерда яшаган, Ализода билан анча мулоқот қилган бўлишлари керак, — деди яқинда Абдулла Қодирийнинг невараси, ТошДУ журналистика факультетида ўқиб юрганидан бошлаб бобосининг ижодий меросини йиғиш билан машғул бўлиб келаётган, яқинда кичик асарларни тўплаб катта китоб нашр эттирган Хондамир Қодирий. Бир орзумиз: "Ўткан кунлар" ҳам тожикчага ўгирилса, роман кўп халқлар тилларига таржима қилинган бўлсаю, ён қўшнимиз китобхонлари уни ўз тилида ўқишмаса... Ҳар икки тилни яхши биладиган моҳир таржимонни кутиб турибмиз".

БОБОНГ БЎЛСА ШУНДАЙ БЎЛСА...

Бир куни фойтунда кетаётган Ализода йўлда юпун кийимли, оёқ яланг бир одамни кўриб қолиб, тўхтаб ботинка устидан киядиган калошини ечиб бериб, қувонч, армон, алам ёшлари, муборакбод қилгани келган қўни-қўшнилар, таниш-билишлар, хотиралар. Йигирма икки ёшга кирган, армия хизматини ўтаб келган йигитман. Келди-кетдилар, ширин хотиралардан қувонаман, бувимдан сўрайман: бобомиз шундай зўр инсон бўлган экану нега бизга ҳеч нарса демагансиз. "Э, болам, дейди бувим кўз ёшларини артиб айтсам тилим, айтмасам дилим куярди-да. У кишининг номларини қўрқа-писа, шивирлаб айтишарди, билганлар, таниш-билишлар ўзларини четга олишарди, баъзи қариндош-уруғлар ҳам қадамларини узишганди. Дардимиз ичимизда эди, мана, худога шукур, энди юзимиз ёруғ бўлди". Бобомнинг ким бўлганлиги, менга қолдирган васиятни илк даъфа бувимдан эшитдим, расмларини кўрдим, қалбим қувонч, ғурурга тўлди, фикри-зикрим уларда бўлиб қолди, бобомни биладиган одамларни суриштириб топдим, суҳбатларини олдим.

Бир куни бобом тушимга кирди: оқ либосда, қарашлари жиддий. Чорраҳада, фалон манзилда, фалон кишиникида китобларим бор, бориб шуни ол, дедилар. Ҳайратланиб отамга айтдим, отам Тоғи Ализода бобом фарзанди бўлгани боис, ўн йил «ётиб» қайтиб келган эди. Икковлашиб айтилган жойга бордик, эшикни тақиллатдик, бир аёл чиқди, хонадон соҳибини сўрадик, кўп ўтмай, ҳассага таяниб кўзлари ожиз бир одам чиқди. Мақсадимизни айтдик. Тўғри, раҳматли бобом у киши билан бирга ишлаган эканлар, кўп яхши инсон эди деб эслади, китоблар уй теварагига териғлик, лекин стенка орқасида, ўзим касалманд одамман, оғир мебелни силжитолмайман, узр, — дедилар. Қайтиб кетдик. Уч кундан кейин бобом яна тушимга кирди, китобларимни ол деб қайта айтдилар. Яна бордим. Китобларни олмасам бўлмайди, сизни рози қиламан дедим. Кучга тўлган йигит эдим, бир-икки одам кўмагида шкафни сурдик. Бобомнинг еттита китоби турган экан.

ВЛАДИМИР ШАҲРИГА САФАР

Китобларнинг ичидан бир қоғоз чиқди. Владимир шаҳри турмасидан юборилган бу қоғозда маҳбус Саидризо Ализода билан соат 9-00 дан 17-00 гача кўришиш, озиқ-овқат беришга ижозат берилиши ёзилган эди. Қандай қилиб бу қоғоз уйга етиб келмаган, китоб ичида қолган-билмадик. Қоғозни кўриб бувим кўп йиғладилар. Қоғозни қатоғон қурбони бўлиб ўн етти йил «ётиб» келган ветеран Раҳим ака Шодастурини тузган, чоп этган мақолаларида "йўқолсин империализм" сўзи ўрнига "йўқолсин ВКП (б)" сўзини ишлатган, колхозлаштиришга қарши чиққан, Сталин сиёсатини қоралаган" ва ҳоказо. Ана шу асоссиз туҳматларни тасдиқлаган одамларнинг фамилиялари ҳам делода битилган бўлиб, ачинарлиси, уларнинг ичида бобосини яхши билган, ёрдамидан баҳраманд бўлган самарқандликлар ҳам бор экан.

1940-1945 йилларда турмада врач, ҳамшира, ошпаз, омборчи, посбон бўлган кишиларнинг манзилларини топдим, суҳбатлашдим. "Ализода жуда интизомли, тарбияли, донишманд инсон эди, — деди 80 ёшли врач Екатерина Богатова. — Турма бошлиғи бобонгизни ҳурмат қилар, менга у кишидан яхши овқатлар, дори-дармонларни аяманг дерди".

Турма девори атрофларида кўзимда ҳалқа-ҳалқа ёш, бобом қабри тахмин қилинган жойни қидириб юрганимда қўлида лола кўтариб келаётган бир рус чолни кўриб, гаплашиб қолдим. Омадимни қаранг, айни бобомнинг қабрини зиёрат қилиш учун келаётган экан: "Мен бобонгиз ётган камеранинг посбони бўлганман, тўрт йил кўриқлаганман, йигирма йилдан бери пенсиядаман. Ализодани қадрлар эдим, қўлларидан тутиб, турма касалхонасига етаклаб борардим. Мана — қабри. Ҳар 3-4 ойда келиб, гул қўйиб кетаман". Чолни қучоқлаб раҳмат айтдим, тўйиб-тўйиб йиғладим.

Беҳбудиий энг ками тўрт тилни билишга даъват этган, Саидризо Ализода эса кам эмас, кўп эмас, ўн тўрт тилни билган, булар: ўзбек, тожик, форс, араб, озар, усмонли турк, татар, курд, рус тилларини мукаммал, олмон, инглиз, фаранги тилларини яхши билган, арман, иброний тилларидан дуруст ҳабардор бўлган. Айни чоғда С.А. имзоси билан берилган "Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар" мақоласида ("Ойина" журнали, 1914 йил 35-сон.) ҳар бир миллат ўз тилини кўз қорачиғидай асраши лозимлигини уқтиради: "Агарда тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўша берсак, бир оз замонда тил ва миллиятимизни йўқотурмиз. Миллиятимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзи ила албатта йўқолур. Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадир". С. Ализоданинг олдинни кўргандай башорат қилиб айтган ушбу фикрларини профессор Бегали Қосимов Беҳбудийга бағишланган "Карвонбоши" мақоласида алоҳида қайд этган эди.

Кўп тилларни билиши донишмандга панд ҳам берган (инглизларнинг жосуси деган асоссиз шубҳага сабаб бўлган), кўп жойларда эса корига яраган. Қаҳрли Иван Грозний қурдирган Владимир "Централ"ининг совуқ, зах яккашин хонасига турма бошлиғи Раввинский, ҳамма кетгач, ярим тунда, ҳаётини хавф остига қолдириб, сиёсий маҳбусдан аждодларининг ўзлари унутган иброний (иврит) тилини ўргангани кирар экан, яхшиликка яхшилик қилиб уни кўриш, озиқ-овқат юборишга ижозат берадиган хат жўнатиш имкониятини яратган, минг афсуски, хат Самарқандга келгану зориқиб кутган ҳонадонга етиб бормаган.

Турма нозирининг яна бир яхшилиги – озод бўлган бир маҳбусдан Ализоданинг пахталигини оиласига бериб юбориши бўлади. У одам сирдан бехабар бўлганми ё ёдидан кўтарилганми, пахталик ичига битиклар жойлаштирилганини эслатмайди. Рафиқаси бу бебаҳо ёдгорликни сандиққа солиб қўяди. Орадан йиллар ўтиб эски буюмларни шамоллатиш пайтида пахталикнинг титилиб кетган астарлари орасидан кўп битиклар чиқиб қолади.

Тиниб-тинчимас невара не-не машаққатлар билан С. Ализода "дело"си билан танишгач, излай-излай, ниҳоят, қабрини топгач, бобосининг ҳокини Самарқандга кўчириш ҳаракатига тушади. Бунга эришиш учун нақд ўн йил (1977-1987) керак бўлади. Файбуллоҳ ас-Салом ёзади:

"... ҳатто вафотидан кейин оқланган бир инсоннинг қабрини унинг ўз ватанига кўчириш ҳам ниҳоятда қийин кечди. Маҳаллий хукуматлар бу ишнинг катта шов-шувга айланишидан чўчиб, турли тўсиқларни ўйлаб чиқардилар... Фарҳод яна қайтиб бориб, Владимир шаҳрининг маъмурияти ва зиндонбонларига етти букилиб ялинишга мажбур бўлди. Аслида, Самарқанд шаҳар ижроия қўмитасидан Ализоданинг қабрини, марҳумнинг қариндошлари ҳисобига, Владимир шаҳридан Самарқандга кўчиришга рухсат этилиши ҳақида атиги бир энлик хат сўралган эди, холос. Шунчаки йўлига! ("Эзгуликка чоғлан, одамзод,197-198 бетлар).

1987 йили Владимир шаҳри ҳокими Роберт Карлович Магазин кутилмаганда одамохунлик қилади. Расмий ҳужжат, қоғоз-поғоз сўрамай, қаттиқ ёмғир ёғиб турган кезда, ўзи шахсан қабр бошида туриб, ўта эҳтиётқорлик билан қирқ икки йил ер остида ётган Саййиднинг суякларини олиб, матоҳга ўраб, неварасига топширади ва Фарҳод Тоғиевичга қарата: «Ализода бизнинг аждодлар тилида ибронийни билар экан. Анграйиб қолдим... Тўғриси, ўзим яҳудий бўла туриб, она тилим бўлмиш ивритни (ибронийни) билмайман. Менга — уят! Сизнинг бобонгиз бўлса, қаранг, менинг мен билмаган она тилимни билар экан-а! Тупроғи енгил бўлсин шу улуғ инсоннинг!» — дея илиқ сўзлар айтиб кузатади.

МАШҲУРЛИКДАН НОМАЪЛУМЛИККА, СЎНГ ЯНА МАШҲУРЛИККА...

Саидризо Ализоданинг ҳоки "Панжоб" қабристонига дафн этилгани, у яшаган уй музей қилингани, бронза бюсти ўрнатилгани, таваллудининг 105,115 йилликлари тантанали нишонлангани, Файбуллоҳ ас-Салом, Ф.Ализода, С.Хайитов, С.Соколов, Ш.Микаелов, С.Ҳожиева, С.Умиров, Ф.Тошев, А.Неверов, У.Қодир, М.Муқимов ва бошқаларнинг мақолалари эълон қилингани, хорижда асарларининг янги нашри тайёрланаётганидан ўқувчилар хабардор, албатта. Фарҳод Ализоданинг мақсад йўлидаги собитқадамлиги, ғайратлилиги, ташаббускорлиги, янги-янги ғояларга бойлиги ҳавас қилгулик, ибрат олгулик. Мана, етти йилдирки, Фарҳод Ализода Москванинг Химкидаги ҳужжатгоҳида, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида бобосининг меросини, ўзбекистонлик журналист, ёзувчиларнинг ўтган асрнинг биринчи ярмида нашр этилган қўлёзмаларини синчиклаб ўрганиш билан банд. 2004 йилда Покистон президенти Парвиз Мушаррафга хат ёзиб, ижозатини олиб, Москва телевидениесининг "Мусулмонлар" кўрсатувининг муҳаррири ва оператори билан Исломободга, Лоҳурга боради. Лоҳурдаги "Панжоб" кутубхонаси бош директори Аксар Ҳусайн Гилоний бобосининг ўтган асрнинг йигирманчи йилларида нашр этилган бир неча китобини топширади, Фарҳод ака ушбу ва яна кўп китобларни юртига, уй-музейига олиб келади, буларнинг бари тасвирга туширилиб, Покистон телевидениесида, кейин Москва телевидениесида кўрсатилади; 2006 йил дунё эронийлар конгресида С.Ализода ижоди ҳақида маърузалар қилади, унга фахрий докторлик унвони берилади. Россия космонавтикаси музейлари ассоциацияси (АМКОС) мутафаккирнинг Циолковский билан деярли бир вақтда ёзган "Фазо илми" китобини юқори баҳолаб, С.Ализода уй-музейини музейлар ассоциациясига аъзо қилиб олади, 2004 йил 26 апрелда космонавт учувчи АМКОС президенти Р.Попович имзо чеккан 75-сон гувоҳнома бунинг далили.

Фарҳод Ализода билан Тошкентда Файбуллоҳ ас-Саломнинг ва бизнинг хонадонда, Самарқандда, Челакда суҳбатлар қурганмиз, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида икки марта учрашув ўтказганмиз, ҳар сафар у кишидан машҳур бобоси ҳақидаги янги, мароқли маълумотлар эшитамиз, гурунгларини қумсаймиз.

Ноҳуш воқеанинг ноҳуш ёди: 1937 йил декабрида Самарқанд давлат университетида араб тилидан дарс бериб уйига қайтган Саидризо Ализодани НКВД ходимлари келиб, қўлига кишан солиб олиб кетадилар...

Хуш воқеани хуш эслаб. 2002 йил 26 февралда Самарқанд давлат университетининг одам лиқ тўла мажлислар зали. Саҳна. Саидризо Ализоданинг кўркам, нурли сиймоси кўриниши билан қизғин олқишлар янгради. Мутафаккир барчага боқиб: "Ассалом, биз орзиқиб кутган истиқлол, ассалом истиқбол, азиз инсонлар, ёр-биродарларим, ҳамкасбларим, ёш дўстларим, мана мен сизнинг ҳузурингизга қайтдим, энди доимо сиз билан бирга-ман", — деяётгандай эди.



С.Ализода (чапда) ҳамкасби билан.

Самарқанд шаҳридаги Саидризо Ализода музейи.

"Шу ернинг об-ҳавосидан баҳраманд бўлиб камол топсангу унинг шарафини ҳимоя қилмасанг, (она диёринг) оёқ ости бўлиши, қадрсизланишига йўл қўйсанг, нобакор ажнабий ўз ватани шон-шавкати учун сенинг ота-боболарингнинг қони тўкилган ерингни ваҳшийларча топтаб, қонингни симирса ва уни ўзининг ахлатхонасига айлантирсаю сен ҳиссизларча қараб турсанг ёки ундан қочсанг, ўзинг унинг юратланишига кўмаклашсанг, унда сен бу ватаннинг номусли ва содиқ фарзанди эмассан".

Саидризо Ализода, "Туркистон — бизнинг ватанимиз", 1920 йил.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Германия матбуоти

Германиянинг Штутгарт шаҳридаги халқаро алоқалар институти (ifa) мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги билан бирга МДҲ доирасига кирувчи давлатларнинг журналистларидан бир гуруҳи учун «Сиёсат, ОАВ, жамоатчилик: демократик жамиятда уларнинг ўзаро муносабатлари» мавзуида Гамбург ва Берлин шаҳарларига ўзига хос мулоқот сафари ташкил этди. Бир ҳафталик мазкур тадбирда ўзбекистонлик ёш журналистлар вакиллари қаторида мен ҳам иштирок этдим.

Бу ерда чет эллик касбдошларимиз билан бирга «Демократик жамиятда ОАВнинг сиёсий вазифаси: ахборотни ва жамоатчилик фикрини шакллантиришда иштироки ва назорати», «ОАВ ва сиёсат: журналистлар ва сиёсатчилар ўртасидаги ўзаро муносабат», «ОАВ қай даражада мустақил ишлаши мумкин?», «Журналист текшируви» сингари ўнлаб мавзуларда маърузалар тингладик ва тажриба алмашдик.

Германияга сафаримиз давомида биз — МДҲ журналистларини «Ди Цайт» газетаси, «Шпигель» журнали, Германия матбуот агентлиги (DPA), «Шимолий Германия радиоси» (NDR), Федерал пресс-конференция, Германия Федератив Республикаси жамоат телерадиокорпорациялар ассоциацияси (ARD) каби ОАВларига дахлдор ташкилотлар билан таништирдилар.

Германияда матбуот ҳукумат ёки партиялар қўлида эмас, балки жамоат қўлидадир. Мамлакатда умуммиллий газеталарга (11 та) нисбатан маҳаллий ёки ҳудудий газеталар (336 та) кўп.

Шунингдек, ҳафталик газеталарга нисбатан кундалик газеталар сони ортикроқ. «Зюддойче цайтунг» (адади – 425.659) ва «Франкфуртер альгемайне» (адади – 368,988) газеталари энг кўп ўқиладиган нашрлар бўлиб, улар умуммиллий газеталар ҳисобланади.

Германияда газеталарга нисбатан журналларнинг сони ҳам, адади ҳам анча кўп. «Шпигель» (адади — 1.113.078), «Фокус» (адади — 1.053.453) ва «Штерн» (адади – 790.835) журналлари энг кўп ўқиладиган нашрлардир. Журналлар мазмунмоҳиятига кўра 2 хил: оммабоп ва ихтисослашган. Мамлакатда ихтисослашган журналлар сони салмоқлидир. Германияда 20 минг атрофида оммабоп журналлар бор.

Журналист ва ноширлар кўнгилли равишда ўзини ўзи назорат этишлари, ҳукумат назоратидан қочишлари, матбуот эркинлиги ҳуқуқидан самарали фойдаланишлари мақсадида 1956 йилда Матбуот ишлари бўйича Германия Кенгаши ташкил этилди. Кенгаш жамоатчилик асосида ишлайди ва матбуот фаолиятини тартибга солиб туришга кўмаклашади.

Германияда ўнлаб газета ва журналлар йирик медиа-концерн томонидан нашр этилади. Газета ва журналларнинг ўзаро бирлашиб, ягона нашриёт томонидан чоп этилишидан мақсад сарф-харажатни камайтириш, реклама берувчиларни биргаликда излаб топиш, реклама нархини пасайтириш, нашр қийматини арзонлаштиришга эришишдир.

Масалан, «Шпрингер-ферлаг», «Бертальсман», «Бурда» каби бир қатор медиа-концернлар борки, улар нафақат Германия, балки бутун Европадаги йирик матбаа-нашриёт ташкилотларидан саналади. Мисол учун биргина «Шпрингер ферлаг» томонидан «Бильд», «Вельт», «БЦ», «Берлин моргенпост», «Функ ур», «Вельт ам зонтаг» каби бир қатор кундалик ҳамда якшанбалик газета ва журналлар чоп этилади. Кундалик газеталар бозоридаги 24 фоиз нашрлар «Шпрингер ферлаг» ҳиссасига тўғри келади.

Кўплаб газета ва журналларнинг бир нашриётга бирлашишининг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Бу бир ёки бир қанча кишиларнинг монополиясига айланади. Агар бир қанча газета ва журналлар бир нашриётдан чиқса, ўша ноширнинг сиёсий қарашлари нашрларда ҳам устунлик қилиб, плюрализм, хилма-хиллик, ўзига хослик йўқолиши мумкин.

Германияда йирик концерн ҳам, кичик бир маҳаллий газета ҳам – ҳаммаси хусусий мулк эгаси ёки акционерлар қўлидадир. Масалан, «Шпрингер-ферлаг» концернининг 50 фоиз акцияси Шпрингер ворислари қўлида бўлса, яна 40 фоизи медиамагнат Лео Кирх гуруҳи қўлида, қолган 10 фоизи эса бошқа майда акциядорларга тегишли. «Шпрингер» концерни ҳатто Австрия, Венгрия, Словакия, Польша ва Испания давлатларидаги газета ва журналларда ҳам, шу билан бирга Германиядаги бир қанча хусусий теле- ва радиокомпанияларда ҳам ўз акциясига эга.

Яна бир мисол. Германияга сафаримиз давомида биз ташриф буюрган «Шпигель» журналининг 25 % акцияси «Грунер унд Яр» концернига тегишли экан. 50.5 % капитал эса таҳририят ходимлари ҳиссасига, 24% акция журнал асосчиси — Рудолф Аудштейн ворислари ихтиёрида экан.

Дарвоқе, «Шпигель» сиёсий журнали бу йил ўзининг 60 йиллигини нишонлади. Нашр бир қанча иловаларга эга. Шу билан бирга 1988 йилдан бери "Шпигель-ТВ" ва 1994 йилдан бери "Шпигель-On-line" интернет-журнали ўз фаолиятини юритиб келяпти.

«Шпигель-On-line» интернетда ўз фаолиятини бошлаган дунёдаги энг биринчи журнал саналади. Унинг бугунги кунда 60 минг нафар рўйхатдан ўтган ўқувчилари бор. Бир ойда эса Германияда ушбу веб-сайтни ўртача тўрт миллион ўқувчи ўқийди. Веб-сайт таҳририяти жамоаси 80 кишидан иборат. «Шпигель-ТВ» ва "«Шпигель-On-line» нинг ҳар иккиси ҳам ўз мухбирларига эга.

Биз журнал таҳририяти вакиллари билан учрашганимизда, улардан қайси бири кўпроқ даромад келтиришини сўрадик. «Шпигель" босма нашрлари «Шпигель-ТВ" ва «Шпигель-On-line» журналига нисбатан кўп фойда бериши, яъни даромаднинг 70 фоизи нашрлар реализациясидан келишини айтдилар.

Шундай бўлса-да, замон билан ҳамнафас бўлишга интилишади. 2006 йилда «Шпигель-мобил» ҳам ишга туширилиб, кишилар уяли алоқа телефонлари орқали «Шпигель-On-line»га улана оладиган бўлдилар. «Шпигель-мобил" орқали энг сўнгги янгиликлар, мақолалар, фотогалереялар, видео лавҳаларни компьютер тезлигида кўра оласиз.

«Шпигель» журнали Амстердам, Пекин, Қоҳира, Истанбул, Исроил, Лондон, Москва, Рим, Вашингтон, Рио-де-Жанейро каби дунёнинг 24 та шаҳарларида ўз офисларига эга бўлиб, журнал жаҳоннинг 172 давлатига тарқалади. «Шпигель»да жами тахминан 1250 нафар ходим фаолият кўрсатади. «Шпигель» чуқур таҳлилий мақолалар узатиш билан мамлакатдаги бошқа нашрлардан ажралиб туради. Кези келса, бир мақола устида тўрт, беш ва ундан ортиқ мухбир, жамоатчи журналист ҳамда архив ходимлари биргаликда ишлайди. «Шпигель»ни 5.8 миллион германиялик ўқийди. Бу 14 ёшдан ошган аҳолининг 8.9 фоизи деганидир. Лекин, шуни айтиш керакки, бугун бутун дунё матбуотида кузатилганидек, «Шпигель» журнали босма нашрларининг обуначилари ҳам камайиб бормоқда. Бунга сабаб босма нашрларнинг электрон версияси пайдо бўлганлигидир. Статистик маълумотлар шундан далолат берадики, журналнинг электрон нашри ўқувчилари кўпайиши ҳисобига босма нашри ўқувчилари камайиб бормоқда.

Бундан ташқари, «Шпигель» жамоаси томонидан «Шпигель-Buchverlag», яъни «Шпигель кутубхонаси» туркумида китоблар ҳам нашр этилади. Шунингдек, мамлакатда Германия ОАВлари уюшмаси ҳам мавжуд бўлиб, унинг 32 минг аъзоси бор. ОАВ ходимлари касаба уюшмасининг эса 20 минг аъзоси бор.

Ойдин САЪДУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ магистранти.

Далил ва рақамлар

- *Германияда бугунги кунда 70 минг профессионал журналист фаолият кўрсатади.*
- *Олмон халқи кунига ўрта ҳисобда 10 соат вақтини оммавий ахборот воситаларининг хабарлари билан танишишга сарфлайди. Жумладан, улар кунига ўртача 221 дақиқани радио эшитишга, 220 дақиқани телевизор томошасига, 44 дақиқани интернет, 28 дақиқани кундалик газета, 25 дақиқани китоб ва 12 дақиқани журнал мутолаасига бағишлайди.*
- *Германияда 35.7 миллион киши, яъни 14 ёшдан ошган аҳолининг 55 фоизи интернетга уланган.*

Муҳим маълумотлар йўқолиб қолди

GE Money Америка банкида 650 мингдан зиёд мижозларнинг кредит карточкалари тўғрисидаги маълумотлар йўқолиб қолди. Истеъмол кредитлари фойдаланувчилари тўғрисида ахборотлар стример — магнит ленталарга ёзилган эди. Қоидага кўра, маълумотлар банкнинг махсус омборида сақланиши белгиланган эди.

Банк вакилининг маълум қилишича, йўқотилган стримерда 150 минг мижознинг ижтимоий суғурта тўғрисидаги маълумотлари ҳам мавжуд бўлган. Вазиятдан келиб чиқиб, GE Money банки йил давомида мижозларга кредит тўғрисидаги маълумотларни бепул тақдим этади.

Хабарларга қараганда, банк маълумотлари жиноий гуруҳлар қўлига тушган бўлиши ҳам мумкин. Лекин GE Money маъмурияти ушбу тахминга муносабат билдирмаган.

Mercedes-Benz CLS янги дизайнда



Mercedes-Benz компанияси CLS автомобилининг янги дизайндаги маркасини тақдим этди. Ташқи тузилиши жиддий тартибда ўзгартирилган машинага олти цилиндрли двигатель ўрнатилган.

Немис компанияси вакилининг сўзига кўра, CLS тезликни 7,7 сония ичида 100 км. соатгача етказа олади. Машинанинг максимал тезлиги эса соатига 245 км. га етади. Автоулов 100 км. учун 9,8 - 10 литр атрофида ёқилғи сарфлайди.

Янгиланган Mercedes CLS 388 от кучи қувватига эга бўлиб, ёқилғи сиғими 5,5 литрга тенг.

Европа бозорларида мазкур моделдаги автомобиль нархи 55 минг 692 евродан 106 минг 624 еврога қадар етади. Компания яқин кунларда машина сотувга чиқарилишини маълум қилган.

Россияликлар Шри-Ланкага бормагани маъқул



Россия ташқи ишлар вазирлиги мамлакат фуқароларини Шри-Ланка давлатига бормасликка чақирди. Вазирликнинг маълум қилишича, шу кунларда Осиё мамлакатидаги «Тамил-Илама озодлик йўлбарслари» ҳарбий гуруҳининг террорчилик ҳаракатлари сезиларли даражада кучайган.

Россия ташқи ишлар маҳкамасининг қайд этишича, сўнгги ойларда мазкур орол-давлатда ўнлаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган қўпорувчилик ҳаракатлари содир этилди.

Россия фуқаролари вазият барқарорлашгунга қадар ушбу мамлакатга бормасликлари зарур дейилади мурожаатда.

Эслатиб ўтамиз, «Тамил-Илама озодлик йўлбарслари» ташкилоти 1980 йилдан бери Тамил ҳудуди мустақиллиги учун курашиб келмоқда. Мазкур гуруҳ томонидан уюштирилган терактлар туфайли сўнгги 28 йилда 70 мингга яқин одам қурбон бўлди.

ХАМАС раҳбарига қарши суиқасд



Фаластиндаги ХАМАС ҳаракати вакили Саид Сиам ташкилот етакчиси Исмоил Хонияга қарши уюштирилган суиқасд бартараф этилганини эълон қилди. Унинг сўзларига қараганда, Маҳмуд Аббос бошчилигидаги ФАТХ ҳаракати тарафдорларидан бири Исмоил Хония масжидда намоз ўқиётган пайтда уни ўлдириш режасини тузган. Лекин ХАМАС хавфсизлик кучлари томонидан суиқасд бартараф этилган. Саид Сиам қотилликни мақсад қилган шахс барча айбларни тан олгани ва жиноий шерикларини маълум қилганини қайд этди.

Ўз навбатида ФАТХ ҳаракати матбуот котиби маъмурият раҳбари Маҳмуд Аббос тарафдорлари томонидан суиқасд ҳақидаги хабарни рад этди ва улар ҳеч қачон сиёсий курашнинг жанговар усулларидан фойланишмаслигини таъкидлади.

Сўнгги пайтларда Фаластиндаги икки йирик сиёсий ташкилот — ФАТХ ва ХАМАС ўртасида ихтилоф тобора кучайиб бормоқда. Ҳозирда мухторият ҳудудида қўшҳокимият вужудга келган. Газо сектори Хония раҳбарлигидаги ХАМАС ҳаракати назоратига ўтган бўлса, ФАТХ ташкилоти Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғида етакчилик қилмоқда.

Жорж Клуни — БМТнинг тинчлик элчиси

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун америкалик таниқли киноактёр Жорж Клунини халқаро ташкилотнинг тинчлик элчиси этиб тайинлади.

БМТ вакили Мишель Монтаснинг сўзларига кўра, «Оскар» мукофоти соҳиби бўлган киноюлдуз муҳим сиёсий ва ижтимоий муаммоларга жамоатчилик эътиборини жалб этиш йўлидаги ҳаракатлари учун ана шундай ишончга муносиб кўрилди.

Хабарларга қараганда, Жорж Клуни Суданнинг Дарфур музофотида ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиш ва очлик исканжасида қолган кишиларга ёрдам беришга ўз ҳиссасини қўшди.

Бугунга қадар БМТ томонидан Нобель мукофоти соҳиби, ёзувчи Эли Визель, мумтоз мусиқа ижрочиси Йо-Йо Ма, америкалик актёр Майкл Дуглас, инглиз олими Жейн Гудолл, Иордания маликаси Хайя Бинт ал-Ҳусайн, исроиллик дирижёр Дэниэль Баренбойм, бразилиялик адиб Пауло Коэльо каби машҳур кишиларга тинчлик элчиси вазифаси топширилган.



10 миллионлик банкнот

Зимбабве давлати Марказий банки 10 миллион долларлик қоғоз пулни муомалага чиқарди.

10 миллион Зимбабве доллари қора бозорда 3,9 АҚШ доллари ёки 2,6 еврога баҳоланади.

Ўтган йилнинг охирларида Зимбабведа 750 минглик долларлик банкнот чиқарилганди. Мутахассислар Зимбабведа инфляция даражаси дунё бўйича энг юқори эканини таъкидлашади. 2007 йили ушбу мамлакатда пул қадрсизланиши 8000 (!) фоизни ташкил этган.

Дунёдаги энг ихчам ноутбук

Apple компанияси MacWorld Expo кўргазмасида учинчи авлод ноутбукларини намойиш этди. Компания асосчиси Стив Жобснинг маълум қилишича, MacBook Air деб номланган компьютер барча техник имкониятларга эга бўлиб, у дунёдаги энг ихчам ноутбук саналади. 1,36 км. вазнлик MacBook Airнинг қалинлиги 1,93 сантиметрга тенг.

Мазкур техник восита Intel Core 2 Duo процессори билан жиҳозланган, 1,8 гигагерц частота ва 2 гигабайт тезкор хотира билан таъминланган. Ноутбукнинг асосий диски эса 80 гигабайт хотира сиғимига эга.

Маҳсулот баҳоси 3100 АҚШ доллари атрофида.

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

GLOBUS

INTERNATIONAL LIFE

Махфий маълумотлар ошкор этилади

Украина Вазирлар Маҳкамаси 1991-2005 йилларда қабул қилинган қарор ва низомлардан "Чоп этиш тақиқланади", "Матбуот учун эмас" каби бандларни чиқариб ташлашни режалаштирмоқда. Бу ҳақда мамлакат адлия вазири Николай Онишук маълум қилган.

Вазирнинг таъкидлашича, бу каби тақиқлар қонунчиликка тўғри келмайди ва фуқаро ҳуқуқларининг бузилиши саналади. Маълум бўлишича, ҳукумат ҳужжатларидан мазкур бандни олиб ташлаш борасидаги қарор мутахассислар текширувидан ўтказилди.

Адлия вазирининг билдиришича, чеклов бекор этилганидан кейин махфий тамғаси билан сир сақланган 1300 га яқин ҳужжатлар жамоатчиликка ошкор этилади. Ушбу ҳужжат ва қарорларнинг аксарияти мудофаа, хавфсизлик ва иқтисодий рақобат билан боғлиқ соҳаларга тааллуқли.



Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида жойлашган Тож Маҳал ёдгорлигини махсус воситалар ёрдамида тозалаш бошланди. Бобурийлар сулоласи вакили Шоҳжаҳон томонидан қурилган ушбу обида дунё меъморчилигининг энг нодир намуналаридан бири саналади. Иморат девори Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларидан келтирилган мармар билан қопланган. Тозалаш жараёнида биринчи навбатда табиий муҳит таъсирида ўзгарган оқ мармарни асл ҳолатига қайтаришга ҳаракат қилинади.

Бу ишлар март ойига қадар давом этади. Бунинг учун 115 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши белгиланган. Хабарларга кўра, тозалаш тадбири кетаётган пайтда ҳам қадимий обида ёпилмайди, бу ерга келган сайёҳлар учун зиёрат қилиш имконияти яратилади.

Аммо айрим мутахассислар қадимий иморат деворларини турли воситалар ёрдамида тозалаш мақбара ҳолатига зарар етказиши мумкинлигини ҳам айтишган. Маҳаллий ҳокимият эса Тож Маҳални тозалашда бундан бошқа чора йўқлигини маълум қилган.

Тож Маҳал обидаси сўнгги марта бундан уч йил олдин тозаланган эди. Кузатувчиларнинг таъкидлашига қараганда, Агра шаҳрида жойлашган завод ва корхоналар ҳам тарихий обиданинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Парагвайда президентлик учун биринчи аёл номзод

Парагвай таълим вазири Бланка Овелар мамлакат тарихида президентлик учун ўз номзодини қўйган биринчи аёл сиёсатдон бўлди.

Овелар хоним дастлабки имзо йиғишлардан кейин айни пайтда давлат тепасида бўлган партиядан номзод сифатида кўрсатилган. Унинг асосий рақиби мамлакат вице-президенти Луис Кастильоне бўлиши мумкин.

Парагвай сайлов қонунчилигига мувофиқ, яқинда дастлабки овоз бериш (праймериз) бўлиб ўтди. Ҳисоб-китобларга кўра, Овелар хоним Кастильонени бир фоиз овоз билан ортда қолдирди.

Бланка Овелар ўз сайловолди дастурида камбағалликка қарши кураш ва янги ишчи ўринлари яратишга урғу берган.

20 апрель куни ўтадиган сайлов ғолиби айни пайтда мамлакатни идора этиб турган Наканор Дуантенинг ўрнини эгаллайди. У раҳбарлик қилаётган партия Парагвайни 47 йилдан бери идора қилиб келмоқда.

Италия бош вазирининг сўрови

Италия бош вазири Романо Проди мамлакат сенатидан у раҳбарлик қилаётган ҳукуматга ишонч билдиришни сўради. Душанба куни Проди бошчилигидаги коалицион ҳукумат таркибидан Клементе Мастелланинг "Европа учун демократлар иттифоқи" партияси чиқиб кетди. Бу билан амалдаги ҳукумат сенатдаги бир қанча ўринлардан маҳрум бўлди.

Романо Проди ҳукуматининг халқ орасида нуфузига салбий таъсир этган шов-шувли можаролар январь ойида бошланди. Дастлаб адлия вазири лавозимида фаолият юритиб келаётган Мастелла коррупция ва порахўрликда айбланиб, истеъфога чиқди. Кейинроқ у раҳбар бўлган партиянинг бир неча аъзоси ҳибсга олинди. Вазирнинг рафиқаси эса уй қамоғига ҳукм қилинди.

НИГОҲ

2008 йил — ЁШЛАР ЙИЛИ

Ёшлик — ривожланиш ва юксалиш даври!

Юртимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида

АТ «ПАХТА БАНК»

ўзининг янги, қулай ва манфаатли йиллик 30 фоиз даромад тўланадиган

«Баркамол авлод»

жамғарма омонат турини жорий этади.
Омонатга ҳисобланган фоизли даромадингизни пул ўтказиш йўли билан Сиз:

- ✓ таълим кредити ва таълим контрактини тўлашингиз;
- ✓ ипотека ва истеъмол кредитини сўндиришингиз;
- ✓ коммунал тўловларини тўлашингиз;
- ✓ ёки ҳисобланган фоизларни нақд пулда олишингиз мумкин.

Омонатни сақлаш муддати 18 ойгача.
Бошланғич бадал миқдори 10 000 сўм.

ЎЗЛИК

Аждодларингни унутма

Келажак ўтмишда қўйилган пойдевор устига қурилади. Пойдеворнинг моҳиятидан бохабар бўлиш эса ҳар бир шахснинг муқаддас бурчи.

«Чўққида қолган овчининг оҳи зори» номли китобда машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг шундай фикрлари бор:

«Эсимда, болалик пайтларим каттароқ йиғилиш бўлиб қолса, оқсоқоллар ўйинқароқ болаларнинг ғурурини қўзғатиш учун:

— Ҳой шумтакалар, қани, ким тўхтамасдан етти ота-бобосининг номини айтиб беради? — дердилар.

Болалар жиддий тортиб қолишарди. Худо кўрсатмасин агар бирорта бобонинг номи эсингдан чиқиб қолса борми... Кейинчалик тушундимки, чолларнинг илмоқли саволларида теран маъно бор экан... Болалик пайтимдаёқ ёддан билардимки, мен Шакар уруғиданман, менинг отам Тўрақул, Тўрақулнинг отаси Айтмат, Айтматнинг отаси Кимбилди, Кимбилдининг отаси Қончужоқ...»

Дарҳақиқат, бу анъананинг моҳиятида теран маъно-мазмун мужассам: ўзликни англаш, ғурур, анъана.

Очиқ айтиш керак: бугун баъзиларимиз асрлар давомида сақланиб келган, ўзлигимиз қиёфаси бўлмиш бу анъанани унутиб қўйяпмиз. Ёки ҳаддан зиёд лоқайдмиз. Бугун қариялар «қани менга етти аждодингни исмини кетма-кет санаб бер-чи» дегудек бўлса, баъзиларимиз ер чизиб қолишимиз тайин. Айниқса, ёшлар...

Балки бунда ёшларни айблаш ҳам тўғри эмасдир. Чунки ниҳолнинг қандай дарахт бўлиши уни парваришлайдиган боғбонга ҳам боғлиқ. Бироқ ўзига қандай парвариш зарурлигини талаб қилиб, боғбоннинг диққатини тортмаётган ниҳолни ҳам кечириб бўлмайди.

Бу — бизнинг дунёда кўкрагимизга уриб фахрлансак арзигулик миллийлигимиз белгиларидан бири. Қани айтинг, дунёда неча юз хил халқ, миллат бор. Аммо... қайси халқда бундай анъана бор экан?.. Фақат Шарқда, фақат туркий халқлар турмушида.

Шундай экан, бизларни ёруғ жаҳонда халқ этиб шакллантирган бу анъананинг давомийлигини сақлаб қолиш муқаддас бурчимиз эканлигини ҳеч қачон унутмайлик.

Расул КУШЕРБОЕВ

ҚЎЛЛАНМА

Назарий ва амалий китоб

Журналистикада амалиёт равнақ топиши учун унинг назариясини ўрганишни тақозо этади. Ҳозирда соҳанинг назарий жиҳатини очиб бера оладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари етарли деб айта олмаймиз.

Таниқли журналист Тўлқин Қозоқбоевнинг "Журналистика асослари" ўқув қўлланмасини варақлар экансиз, бу борада хайрли ишлардан бири бўлганини эътироф этасиз. Асар лотин алифбосида чоп этилган бўлиб, бўлажак журналистларга соҳага оид назарий билим ва кўникмаларни беришда муҳим ўрин тутади. Китобда муаллиф ўзининг кўп йиллик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ёзилгани фикрлар синовдан ўтганидан далолат беради. Боиси Тўлқин ака республикамизнинг бир қатор нуфузли газеталарида ишлаган. "Журналистикага оид ўқув қўлланма яратиш зарурати М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида дарс бера бошлаган пайтимда туғилди, — деб ёзади муаллиф китобида. — Бунга санъатшунос журналист бўлиш орзусида институтнинг шу бўлимига кириб ўқиётган талабалардаги фанга иштиёқнинг зўрлиги ва қобилиятнинг борлиги туртки бўлди. Чунки ушбу фанга оид дарсликлар деярли йўқ, борлари ҳам ҳозирги кун талабига жавоб бера олмас эди".

Китоб мундарижасидан ўрин олган "Курснинг предмети ва вазифалари", "Журналистиканинг шаклланиши, моҳияти ва моделлари", "Журналист ҳуқуқи, унинг ижодий уюшмаси ҳамда ижтимоий-лавозимий мақоми", "Журналистика амалиётини бошқариш" каби бобларда асарда нечоғли муҳим масалаларга эътибор қаратилганини билиш қийин эмас. Шунингдек, унда ахборот алмашинуви, матбуот эркинлиги ва ошкоралик, ахборот тизими, журналист этикаси, журналистика жанрлари ҳақидаги фикрларга ҳам алоҳида тўхталган.

Тажрибали журналист талабаларга сабоқ бериш асносида шундай қўлланма яратишга жазм қилган экан, ўз мақсадларига қайсидир маънода эришганини эътироф этиш жоиз. Бироқ, ҳар қандай катта иш ҳам майда-чуйда камчиликлардан холи бўлмаслигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Китобда учрайдиган айрим имловий ва бошқа жузъий камчиликлар унинг келгуси нашрларида барҳам топишига умид қиламиз.

Китобга сўзбоши ёзган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов айтганидек, ўқув қўлланма республикамиздаги олий ўқув юртларида тайёрланаётган бўлажак журналист кадрлар, шу соҳага қизиққан кишилар, ҳатто ОАВда меҳнат қилаётган ходимлар учун ҳам фойдалидир.

Тўлқин ЭШБЕК

ҳикоя

Қизи ЁМҒИРИ

Пешиндан бери ёмғир ёғяпти. Аввал эзиб ёғди — тўпиққа чиқадиган қорни оқизиб кетди. Кечга бориб бирдан шамол турди. Тарнов сувлари гоҳ чапга, гоҳ ўнгга, гоҳо иморат деворига қуйилади...

Трамвай бекатида турганлар ўзларини кўча ёқасидаги дорихонага, дўконларга уришди. Бекатда фақат уч киши қолди: қиз тутган зонтик йигит учун ҳам паноҳ бўлди. Кейин зонтик йигит қўлига ўтди. Улардан сал нарида ўрта мактабнинг математика муаллими Козимбек турибди. Қўлида чамадонсифат портфель. Қаҳваранг пальтоси ёмғирдан қорайиб кўринади. У панага ўтишни хаёлига келтирмайди.

Трамвай келди. Одамлар дорихона ва магазинлардан отилиб чиқишди, ўзларини трамвайга уришди; чиқолганлар чикди, қолганлари изларига қайтишди.

Козимбек ҳам, йигит-қиз ҳам жойларидан силжишмади.

Троллейбус келди. Одамлар дорихона ва дўконлардан отилиб чиқишди ва ўзларини унга уришди. Чиқолганлар чикди, қолганлари изларига қайтишди. Йигит билан қиз ҳам троллейбусга илинишди. Бекатда Козимбекнинг ўзи қолди.

Ёмғир ёғмоқда...

Козимбек кутяпти...

Ниҳоят, унинг кутгани — маршрутли такси келди, муроди ҳосил бўлди. Козимбек маршрутли таксида юришга одатланиб қолган. Бўлмаса бу бекатда трамвай, троллейбус, автобуслар тўхтаб ўтади.

Козимбек эгилиб маршрутли таксига чиқар экан, орқа ўриндикда ўтирган Жўравойга кўзи тушди. Қайтиб тушиб кетишнинг иложи бўлмади, машина жойидан жилган эди.

— Ие, Козиммисан, сени сувга бўккан... — Жўравой гапининг давомини айтмади, шундай ҳам нима демоқчи эканлиги равшан эди, кейин ёнидан жой кўрсатди. — Қани, бу ёққа!

Козимбек билан Жўравой курсдош, беш йил бирга ўқишган. Жўравой курсдошлар орасида ҳазил-мутойибага, калака қилишга усталиги билан танилган эди. Козимбек бошқа бўш жой йўқлиги учун Жўравойнинг ёнига ўтиришга мажбур бўлди. У Жўравойнинг аскиясига учрашидан чўчир эди. Айниқса, одамлар орасида.

— Табриклайман! — деди дабдурустдан Жўравой Козимбек билан қўл олишар экан ва унинг елкасига уриб қўйди. Козимбек ҳайрон бўлиб қолди, ҳар нарсадан ўзича хулоса чиқараверадиган, ҳадиксирайверадиган бўлгани учун «табриклайман» дегани унга ғалати таъсир этди.

— Ўзим эшитмасам, бундоқ шипшитиб қўймайсан ҳам! — деди сўзида давом этиб жиддий қиёфада Жўравой. — Янгилик зўр-ку!

Козимбек ажабланиб:

— Тушунтириб айт! Нима билан табриклаяпсан? Янгилик деганинг нимаси!, — деди.

— Қўй, мўғомбирлик сенга ярашмас экан, — деди Жўравой. — Билиб туриб, ўзингни гўлликка солма, оғайни. Бир жойда ишлаб туриб... Эй, қўй-э...

— Рост айтяпман, — деди Козимбек. — Ҳеч қанақа янгиликни эшитганим йўқ.

— Ие, ҳали шундоқми, бўлмаса сени ғафлат босибди, оғайни. Мактабингдаги ўзгаришдан бехабар қолибсан.

Козимбекнинг юзида таажжубланишдан кўра ваҳима, ташвишланишга ўхшашроқ ифода пайдо бўлди.

— Қанақа ўзгариш? — деди у ўз касалидан қўрққан бемор врачга чўчиб савол берганидек. Буни Жўравой сезмай қолдирмади! Одатда ҳазилкаш кишилар суҳбатдошларининг ҳолатини тезда илғаб оладилар, шунга қараб суҳбат тарзини белгилайдилар. Жўравой янада жиддийлашди. Бироз сукут сақлагач, Козимбекнинг қулоғига шипшиди:

— Директоринг мактабдан кетди, ўрнига туман халқ таълими бўлимининг инспектори Солиев тайинланди.

— Йўғ-э, йўғ-э... Бўлмаган гап. Ҳазилни қўй, оғайни.

— Ҳазил эмас, рост. Сенга ёлғон гапирармидим?

— Мени калака қилма.

— Рост. Куни кеча туман халқ таълими бўлими шундай қарор қилибди. Ҳозир ўша ердан эшитиб келяпман.

Бу гапдан Козимбекнинг эти увишиб кетди. Шунча ёмғирда қолиб ҳам эти увишмаган эди.

— Мана шунақа гаплар, оғайни, — деди Жўравой юпатгансимон.

— Наҳотки... — Козимбекнинг томоғига бир нарса тиқилгандек бўлди. — Наҳотки...

— Майли, ишонмасанг, ишонмай қўя қол. Мен бор гапни айтдим.

— Гапинг чин бўлса, яхши бўлмабди. Ҳар ҳолда, Ғиёс Ғаниевич мактабдан кетмайди.

— Нега энди?

— Негаки, бугун Ғиёс Ғаниевичда ҳеч бир ўзгариш сезилмади. Аввалларидек қандай бўлса, бугун ҳам шундай кўринди.

— Дилидагини билиб ўтирибсанми? Мактабдан кетиши аниқ.

— Ўзи билармикан?

— Бўлмаса-чи! Кеча мажлисда қатнашибди.

«Кўринишдан на хурсандлиги, на хафалиги сезилган эди». Козимбек шуни дилидан ўтказди, кейин Жўравойдан аста сўради:

— Оғайни, қани айт-чи директоримиз юқорилармикин ёки...

Козимбек гапининг бу ёғини айтмади, гўё Ғиёс Ғаниевич эшитиб қолаётгандек тилга олишга чўчиди.

— Дарвоқе, буни сўрамабман. Лекин мактабдан кетиши аниқ, — шундай деб Жўравой тушиб кетди.

Козимбекнинг юраги увишганича бор. Мактаб директори Ғиёс Ғаниевич унинг неча йилларки бошлиғи. Козимбек институтни тугатиб, тўғри шу мактабга ишга келган. Бунга ҳам бу ўқув йили тугаса, ўн йил тўлади. Козимбек ишга қабул қилинишини сўраб Ғиёс Ғаниевич номига ариза ёзган, дипломининг асл нусхасини ҳам унга кўрсатган. Мана энди кутилмаганда бунақа гап чиқди. Козимбек қизил қор ёғишини хаёлига келтириши мумкин эди (қачонлардир аллақаерда қизил қор ёққани ҳақида газетада ўқиган эди) аммо Ғиёс Ғаниевичдан ўзга кишини мактаб директори сифатида тасаввур қилолмасди. Ғиёс Ғаниевичга шу қадар кўникиб, ўрганиб, мослашиб кетган эдики, асти қўяверасиз. У мактабда директордан бўлак ҳеч кимни тан олмасди. Ўқитувчилар у ёкда турсин, ҳатто илмий мудир билан ҳам ҳисоблашмасди. Нимаики таклифи бўлса, лутфан директорга айтади; нимаики илтимоси бўлса, шахсан директорга учрашади. Бу ҳолнинг одат тусини олишига дастлабки пайтларда Ғиёс Ғаниевич билан Козимбекнинг тенгдошлиги сабаб бўлди. Козимбекнинг маслаҳат сўраб ёки таклиф билан ҳузурига тез-тез кираверишига Ғиёс Ғаниевич мойиллик билдирди, чунки бу ўзига хуш ёқарди. Козимбекдан илтифотларини дариғ тутмади. Илмий мудир ёки мактабнинг бошқа раҳбарлари билан ҳам битирса бўладиган иш юзасидан ҳузурига кирганида Козимбекка бир нима демади, масалани шахсан ўзи ҳал қилаверди, «илмий мудирга учрашинг», «завхозга боринг», дейишни унутди. Козимбек бора-бора коллективда директордан ўзгани тан олмайдиган бўлиб қолди. Унинг директор ўзгаришини, ўзга кишининг бошлиқ бўлишини тасаввур қилолмаслигига сабаб ҳам шунда.

Козимбек хаёл билан бўлиб, ўз бекатидан ўтиб кетди. Муюлишда сезиб қолди. Ҳай-ҳайлаб тўхтагунча машина ярим чақирим йўл босиб қўйди. Янги очилган кўчадан лойгарчиликда, бунинг устига жалада юриш ўзи бўлмайди. Козимбек бемаврид ёққан ёмғирни ичида сўкди.

У тўпиғидан лойга ботиб, аранг ҳовлисига етиб келди. У уйга киргач, кийимларини алмаштирди, овқатланди, ширин чой ичди, ўзини печкага тоблади, лекин бари бир вужуди исимади. Чунки ўзи учун энг совуқ хабар эшитган эди. «Жўравойнинг гапи ростмикан ёки ҳазил?»

Бу савол унинг оромини ўғирлаб қўйган эди.

Кимдир бир куни Козимбекка ҳеч эсдан чиқмайдиган гап қилган эди: «Козимбек, эсингиз борида математика ўқитувчиси касбини танлаб зап иш қилган экансиз-да! Бахтингизга бу фан тез ўзгаравермайди. Икки карра икки ҳамиша тўрт. Бошқа предметдан дарс берганингиздами...»

Козимбекнинг феъл-атвори ҳам одатига муносиб эди. У қайнатасининг уйига борса, фақат қайнатаси билан гаплашарди, бошқалар билан сўзлашишни ўзига эп билмасди. Чунки қайнатаси оила бошлиғи-да!

Тўйда тўй эгаси билангина сўрашади. Никоҳ тўйида эса келин-куёвни табриклаш ўрнига уларнинг ота-оналарини қутлайди.

Дўконларга кирса, мудирни йўқлаб қўйгач, харид қилади.

Курсдошларини кўрганда уларнинг ўзини эмас, бошлиқларини суриштиради. Хуллас, ёмғирдан кўра қорни афзал билади, ҳандалак пишиғида қовундан гап очади...

Козимбек бир кечадаёқ ўзини олдириб қўйди. Эртасига ишга кўзлари киртайиб келди. Ҳамкасблари уни тоби йўққа чиқаришди. Аллаким: «Грипп бўлса керак», дея ўзини четга олди. Бу ҳам Козимбекка таъсир қилмай қолмади. «Янгилик»дан хабардор бўлса керакки, — деб ўйлади, — мени Ғиёс Ғаниевичга яқин санаб ўзини олиб қочяпти». У тўрт соат дарсини ўтгунча ўқитувчилар хонасига кирмади — ўқитувчилардан бирор гап эшитиб қолишидан чўчиди. «Қани энди Жўравой айтган гап ҳазил бўлса!»

Козимбек танаффус пайтларида синфда ўтирди, лекин бекор ўтирмади. Ғиёс Ғаниевич ҳузурига кириш учун баҳона уйлади. Топди! «Шу Наврўзда коллектив бўлиб тоққа чиқилса!» Яхши таклиф! Буни тополганидан беҳад қувониб, директор ҳузурига йўл олди. «Лекин Наврўзга ҳали анча бор-да! Майли, олдиндан тайёргарлик кўрган яхши». Кабинетга кириб не кўз билан кўрсинки, директор инспектор Солиев билан суҳбатлашиб ўтирибди. Буни кўриб Козимбек ўзини йўқотиб қўйди, остонада сўппайиб қолди. Директор унга қайрилиб қаради:

— Келинг, Козимбек, — у ўрнидан турди. Буни Козимбек ўзича йўйди: «Аввалларидек кирганимда ўрнидан турмасди, демак, мактабдан кетадиганга ўхшайди. Солиевда яхши таассурот қолдирмоқчи шекилли». У олдин директор билан ҳам қўл олишгач, пойгакдаги стулга чўкди.

— Хўш, келинг? — деди Ғиёс Ғаниевич.

Бу гапдан Козимбек: «Нега суҳбатни бўлдинг, қани, гапингни тез айту, кўздан йўқол», деган маънони уқди. Демак, Жўравойнинг гапи ҳазил.

— Ғиёс Ғаниевич, Наврўзда бир лола сайлига чиқсак, ўзингиз бош бўлсангиз, камина хизматда турса...

— Лола сайли?.. Майли, чиқамиз. Наврўз келсин, албатта чиқамиз.

— Раҳмат, — Козимбек кабинетдан хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

«Жўравойнинг гапи ҳазил экан, Ғиёс Ғаниевич мактабдан ҳеч қаёққа кетмайди. Кетадиган одам ҳеч қачон шундай қатъият билан ваъда бермасди». Козимбек бахтиёр эди...

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

МАДАНИЯТ

МУЛОҲАЗА

Китобнинг ўрнига...

«сотка»

Яқинда сартарошхонага кириб беш-олти нафар ёшларга кўзим тушди. Улар уяли телефонда гаплашарди. Беўхшов, нодонларча ҳазил қилишиб кулишлари ғашимга тегди. Ноилож уларга сўз айтишга ботиндим:

– Укаларим, ўқувчи ё талаба бўлсаларинг керак. Бир нарса сўрасам майлими?

– Сўрайверинг, – дейишди улар бирваракайига.

– Охирги йилларда қандай бадиий китоб ўқидингизлар? – дедим.

Улар хохолаб кулиб юборишди. Бир-бирларига қарашди, сўнг:

– Бадиий асар ўқиганимиз йўқ! Кўпроқ телевизор ва интернетда кино кўрамиз, – деб жавоб беришди.

> *Башар фарзанди ким бўлишидан, қаерда яшашидан қатъи назар, дунёга тийран кўз билан қараши, ўзлигини англаши, аждодлари қандай яшаган, ким бўлганини билиши керак. Бадиий китоб ўқиган одам тақлид қилади, ўзини ҳам асар қаҳрамонларига қиёс қилади, ўзини синаб, тоблаб олмоқчи бўлади.*

Китобдаги салбий образларга нафрати ортади, ижобий сиймоларга ўхшашга ҳаракат қилади. Китоб тўғри йўлга, одобахлоққа бошлайди. Китоб туфайли кўрмаган жойларни кўрасан, танимаган одамлар билан сўзлашасан.

Ажойиб тақдирли одамлар ҳаёти, урф-одат ва анъаналар, тарихий қадриятлар билан танишасиз.

Ўқиш, ёзишни билганларнинг ҳаммасини ҳам саводхон деб бўлмайди. Саводхон киши китобхон ҳам бўлиши керак. Китобхон бўлган кишини ҳақиқий саводхон деса бўлади. Болалигимизда Холмамат бобо исмли устозимиз уйга вазифаларни сўрашда «Ўқиб келдингизми? Уқибми?» дердилар.

Назаримда бугунги ёшлар орасида ўқиганлар кўпу уққанлар озроқ. Масалан, илгари китобхон, журналхон ва газетхонлар кўп бўларди. Уларни хиёбонларда, бекат ва транспортларда учратардингиз. Ҳозир эса фақат бошқотирма билан банд бўлганларга дуч келасиз. Қолаверса, саҳифа-саҳифа бу катакчаларда на завқ, на гўзаллик бор. Аслида бошқотирмалар пухта, мантиқли ва бош қотирадиган бўлиши керак.

Китоб уни қадрлаган кишига дўст, маслаҳатгўй ҳамроҳдир. Шу нуқтаи назардан қараганда уйида китоби кўп одам энг бой одамдир. Чунки ақл ва билимнинг баҳоси, бошқа ҳар қандай бойликдан устун туради. Шу боис Пайғамбаримиз (с.а.в) «Бешикдан то қабргача илм олмоқ керак», деганлар. Муқаддас «Қуръони карим»нинг ҳам 765 та оятида илм олишликка даъват қилинган.

Аллоҳ таоло ўн саккиз минг оламни яратиб, барча махлуқотлардан Одам фарзандларини азизу мукаррам қилди. Унга бошқа махлуқотларга берилмаган уч неъматни берди. Булар сўзлашиш, ақл-тафаккур ва фаҳм-фаросатдир. Ўйлаб кўрилса, ана шуларни чархлаш ва такомиллаштириш китоб билан боғликдир.

Яхши китоб — жон озиғи. Бундай китоб қўлга тушдими, кўз югуртирдингизми, уни ўқиб бўлмагунингизча, кўнглингиз жойига тушмайди. Китобга меҳр ана шундайларни ўқиганида уйғонади. Назаримизда «Бедилхонлик», «Ҳофизхонлик», «Навоийхонлик», «Яссавийхонлик» каби ўқишларни янада оммалаштириш керакка ўхшайди.

> *Бўйиндан боғланган този овга ярамайди, деган нақл бор. Зўрлаб ўқиган китоб ҳам бир марталик бўлиб қолади. Лекин, бесамар кетган вақт мосуво бўлади. Шу боис, болаларни ўқитиш эмас, ўқишга ўргатиш керак.*

Китоб ўқиш вақтига келсак, албатта, вақтни олтин билан тенглаймиз. Лекин тонггача интернет кафеларидан келмайдиган ёшлар, бу вақтнинг ҳеч бўлмаганда учдан бирини китоб ўқишга сарфласалар, олам-олам нур бўларди.

Китобни азал-азалдан сеҳрли сандиққа қиёслашган. У ҳар қандай билимнинг хазинаси, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир. Шундай экан, китоб ўқиш, китобхон бўлиш учун нима қилиш керак? Фарзандларимизнинг китобга меҳрини ошириш зарур. Бу икки ҳолатда рўёбга чиқади. Биринчидан, оилавий муҳит, айниқса, ота-оналарнинг ўзи китобхон бўлмоғи лозим. Қуш ҳам уясида кўрганини қилади. Иккинчидан, ўқув масканларида, дарс жараёнида устоз-мураббийлар маҳорати зарур.

Шу билан бирга китобни танлай билиш ҳам керак экан. Негаки, миллий ва диний қадриятларимизга зид, беҳаё, ахлоқсиз китоблар кўпайиб кетаётир.

Миллат ва юрт келажагида маърифатли, зиёли кишиларнинг ўрни беқиёсдир. Улуғ боболаримиз китобхон бўлишган. Бугун жаҳон илм-фан дарғалари буни эътироф этиб турибди. Келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши учун болаларимизда китобга меҳр уйғотишимиз ва бунга, аввало, ўзимиз ибрат бўлишимиз керак. Мен билан суҳбатда бўлган ўнлаб кишилар ўз болаларига харид қилган туҳфалари орасида китоб йўқ эканлигини англадим. Эллик, юз минг сўмлик уяли телефонлар, бошқа қимматбаҳо совғаларни олганимизда ҳеч бўлмаганда беш, ўн минг сўмлик бадиий, илмий-маърифий китоблар ҳам харид қилсак, фарзандларимизга кўпроқ яхшилик қилган бўламиз.

Абдулҳамид ҳожи ҲАБИБУЛЛАЕВ

ЁДНОМА



Мактабда ўқиб юрган чоғларимиз кўплаб бадиий асарлар ўқиганмиз. Лекин уларнинг саноқлиларигина ёдимизда муҳрланиб қолган. Ўлмас Умарбековнинг асарлари ана шундай севимли сирдошларимиздан эди.

Шу боисданми, йиллар ўтиб адиб хонадонига йўл олганимда қалбимни ажиб ҳаяжон қамраб олди. Остона ҳатлаб ҳовлига кирар эканман, очиқ чеҳра, самимият ила бир аёл мени ичкарига таклиф этди. Бу ўша — ёзувчимиз чуқур ҳурмат ила тилга олган аёл Зуҳра Умарбекова экан. Зуҳра опа адибнинг бошқа ёзувчиларга ўхшамаган фазилатлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

Романларга сиғмаган Дардлар

– Ўлмас ака доим яхши, тартибли кийинишга, ўзининг юриш-туриши, хатти-ҳаракатига эътибор бериб қарарди. Қирқ йилга яқин вақт бирга ҳаёт кечириб, Ўлмас аканинг бирон пайт ўзини зиёли, маданиятли кишига номуносиб тутганини эсламайман. Унинг яна бир хислати, кимгадир яхши бир иш қилса-ю, ўша киши суюнса, ўзи ҳам суюниб кетар эди. Мен, деб кўксига уриш Ўлмас акага ёт эди, ижод борасида сўз очилса, бутун адабиёт ҳақида гапирарди. Мабодо кимдир уни мақтаса, қизарар ва беозор кулиб қўярди. Ижодкор дўстлари, биродарларига меҳрибон эди. Керак бўлса, улар учун хизмат қилишга ўзини тайёр сезарди. Шу боисдан, фақат тенгдошлари эмас, жуда кўп ундан ёш ижодкорлар ҳам Ўлмас акани яхши кўришарди.

Тақдир экан, ёши олтмишга яқинлашганда қаттиқ хасталаниб қолди. Аввалида бир сўз-ярим сўзни азобланиб гапирарди, кейинчалик умуман гапиролмайдиган бўлди. Баъзан ён дафтарга, баъзан шунчаки кафтдек қоғозга ўйлаганларини ёзиб берар, мен билан қизимиз Умидага айтадиган гапини ҳам хат қилиб берарди.

Шу пайтда у қанчалик таъсирчан, эҳтиросли бўлса, шунчалик матонатли эканлигини кўрсатди. Аҳволи оғир эканлигига қарамай, тинмай ишлар, ўйлаган асарларини ниҳоясига етказгиси келарди. «Фотима ва Зуҳра» романини, «Қизимга мактублар» қиссасини ёзди. Ижодий режалари ҳали кўп эди. Ўлмас ака «Шошма қуёш» асарини бекорга ёзгани йўқ, ҳаёти сўниб бораётганини чуқур ҳис этарди. Лекин ўзининг аҳволи эмас, эртага, кейин Умида билан қандай яшашимиз уни жуда ташвишлантирарди. Мени рўпарасига ўтқазиб, кўпинча мен ёрдам беролмайман, энди сизлар қандай яшайсизлар, ночор, ҳимоясиз ҳолга тушиб қолмайсизларми, дер, куюниб қайғурарди. Мен тузалиб кетасиз, ҳаммаси яхши бўлади, деб уни тинчлантиришга уринардим. Лекин унинг бутун хаёли шу фикр билан банд эди. Шу кунлардаги Ўлмас аканинг баъзи бир кечинмалари, изтироблари «Қизимга мактублар» асарида акс этган.

Мана, орадан ўн уч йилча вақт ўтди. Тирик бўлсалар, шу кунларда 74 ёшга тўларди. Насиб этмаган экан. Ўлмас аканинг ҳаёти сўнгида ёзган хатларини газетхонлар эътиборига ҳавола этаяпман. Булар шахсий ёзувлар, лекин бир ёдгорлик сифатида аҳамияти бўлса керак, дейди Зуҳра опа адибнинг сўнгги мактубларни бизга илиниб.



Адиб оиласи даврасида: турмуш ўртоғи Зуҳра Умарбекова ҳамда қизи Умидахон билан. 1983 йил.

* * *

Зуҳражон, менинг қадрдоним, энг яқин дўстим! Албатта, мен яшашни хоҳлайман ва тузалишга ҳаракат қиламан. Лекин қазо куним яқинлигини ҳис этяпман. Буни ойнага қараб, сенинг кўзларинг ва юзларингга қараб сезяпман. Сенинг қўлингни ушлаб ёки ўзим сезмаган ҳолда уйқумда вафот этишни истайман. Оғриқ чидаб бўлмас даражада кучли, бундан мангу уйқуга кетиш афзалроқ. Мен сен билан бахтли бўлдим ва шундай туйғу билан кетаман. Сен олижаноб ва кўнгилчансан. Ҳақиқий бека бўлгин, Умида (яъни қизлари) сени жуда севади, лекин у тезроқ ва ёшлиги бор. Уни чинакам дўстингга айлантир, бу сенинг қўлингдан келади. У эркалатишни яхши кўради. Тақдир мени сенга йўлиқтирганидан хурсандман.

Сени ўпиб, Ўлмас
31.08.94.

Ардоқли замондошим Ўлмас Умарбеков билан учрашиш бахтига муяссар бўлмадим. Лекин адиб чин дилдан севган, ардоқлаган умр йўлдоши – Зуҳра опа билан узоқ суҳбатлашдим. Шунда ўзим ҳурмат қилган ёзувчининг менинг тасаввуримдаги портрети жонлангандек бўлди. Улар қирқ йил давомида бирга ҳаёт кечиришди. Қувончли кунлар ҳам бўлди, ширин ташвишлар ҳам.

Яқин ўтмиш зиддиятлари ёзувчига кетма-кет зарба берди. Касалга чалинди. Шифокорларнинг дори-дармони кор қилмади. Фақатгина умр йўлдошининг сўзи, меҳрли нигоҳи малҳам бўлди. Зуҳра опа ўша дамларни тилга олганларида кўзларида ёш айланди:

"Эсимда "Ёз ёмғири" китобини ёзганларидан кейин мухлислардан жуда кўп мактублар келган. Улар ҳалигача ҳам бор. Вақти-соатим яқинлашганидан кейин улар нима бўлади? Шуларни ўйлаб хатларнинг ярмини адабиёт музейига топширдим, қолганини эса топшира олмаяпман. Негаки, улар ҳаётимнинг бир қисми. Ўлмас ака ҳаётларининг сўнгги дамларигача ёздилар. Ҳатто гапира олмай қолганларидан кейин, дардларини умуман ўйламасликлари учун олдиларига қоғоз, қалам қўйиб "Ёзинг, фақат ёзинг" дедим".

... Адиб ижодхонасига кирдик. Хонанинг тўридаги Ў. Умарбековнинг портретига кўзим тушди. Ҳам зоҳирий, ҳам ботиний дунёси қанчалар гўзал инсон! Кўзларида чуқур маъно ифодаланган, машаққатли ҳаёт изтироблари, орзу армонлари яширинган. Китоб жавонидаги адиб асарлари, фотосуратлар, ёзув столи, курси, қоғоз қаламларнинг барчаси "адиб ўлмаган, у тирик, ҳозир келиб битмаган ишларини ёзади" деяётгандек гўё. Шу сабабли ёзув столига ҳам яқинлаша олмадим. Уни истаб келган илҳом парисини чўчитиб юборгим келмади.

Зуҳра опа: "Бу уйдаги ҳамма нарса менга Ўлмас акани ёдга солади. Қизим олдида — Лондонда эдим. Узоқ тура олмадим, қайтиб келдим. Қаерда бўлмай, бу хонанинг ҳароратини, илиқ муҳитини ҳис этиб тураман", — дедилар. Сўнг ёзув столи ёнига бордилар. Яккаю ягона қизлари Умиданинг фотосуратларини кўрсатиб, Ўлмас аканинг кўпроқ унинг тақдири ҳақида ўйлаганларини эсладилар. Ва сўнгги кунлари яқинлашганини ҳис этганларида эркатой қизлари Умидага йўллаган мактубини ўқидилар:

Азиз қизим, Умида!
... Сен биласан, биз онанг билан шу кунгача сеннинг бахтли бўлишинг, ҳеч нарсадан муҳтожлик сезмаслигинг учун ҳамма ишни қилдик. Ҳозир бошқа замонлар бошланди, менсиз онангга, яккаюягона одамингга қийин бўлади. Сендан қуйидагиларни илтимос қиламан: Онанг иккингизда бўладиган имкониятларга қараб яша. Бахиллик ёмон нарса, у ҳеч қачон инсонни бахтли қилмайди.
Бор қобилиятингни ўқишга, ишга сарфла, шунда сенда ҳамма нарса бўлади...

Ҳақиқатан, Умида бор қобилиятини ўқишга, ишга сарф этди. аввал юртимизда, сўнгра Англияда ўқиди, етук мутахассис бўлиб етишди. Йирик банкнинг масъул ходими сифатида танила бошлади.

Умиданинг ниҳоқ тўйи Тошкентда бўлди. Ўша куни Ўлмас аканинг ва куёвининг қариндошлари, дўстлари мўътабар хонадоннинг азиз меҳмони бўлдилар. Ўлмас акани ёдга олдилар. Тўйдан кейин келин-куёв Зуҳра опанинг Англияда яшашини истадилар. Лекин у адибнинг чироғини ёқиб ўтиришни муқаддас бурч деб билди.

Зуҳра опа ҳар йилги таътилни қизлари Умида билан ўтказади. Гоҳ юртимиз оромгоҳларида — Ўлмас ака севган жойларда, гоҳ Лондонда ёки Европа мамлакатларининг бошқа бирор шаҳрида. Аммо ҳамиша ўз уйига шошаверади. Бу ташвиш унга кўпроқ қувонч келтираётганини ёқимли табассумларидан, уйдаги ҳар бир буюмга меҳр ила боқаётганларидан сездим. Гарчи Ўлмас Умарбеков бугун ҳаёт бўлмасалар-да, у кишига бўлган муҳаббат ва садоқат ҳамиша барҳаётлигига ишонч ҳосил қилдим.

Севара СОДИҚОВА

ҲА-ЁТ!

"Тамаки борми, амаки?"

Болалик — беғубор фасл. Унинг хаёллари, орзу-умидлари эртакларга, афсунларга, осмоний туйғуларга эргаштиради. Ҳар бир инсон болалигини эслаганида бир нафас ширин ўйлар оғушида роҳатланиб, руҳи ўша болалик дунёсини тарк этгиси келмайди.

Бироқ... айрим болалар билан суҳбатлашиб, бироз ҳушёр тортаман. Улар нечун эртакларга, афсоналарга унчалик ҳам ишонишмайдилар. Хаёлий орзулардан анча узилиб қолгандек, назаримда. Турмушнинг икир-чикирларию, кўча-кўйда, бозорда ўралашиб ўсаётган ўсмирларнинг юраклари қачон улкан юраклар бўлиб улғаяди. Ота-онаси куни бўйи бандлиги боис қаровсиз қолган фарзандларини кўнгилларига келган машғулот билан шуғулланиб, вақтини беҳуда сарфлаётгани – бу ачинарли ҳол эмасми?

Кеча бекатда автобус кутиб тургандим. Ҳали балоғатга етмаган бир ўспирин рўпарамга келиб, чамамда ёнимдаги 50-55 ёшлар атрофидаги отахондан ҳадиксирамай:

– Кечирасиз, чекишдан борми, амаки? – дея сўради.

Отахон атрофга ҳушёр разм солди-да, тортинибгина ён чўнтагидан ўспиринга бир дона сигарета узатди. Ўспирин мендан бир неча одим нарида сигарета тутунига бурканиб, ўз хаёллари билан ўзи овора бўлиб, атрофдагиларга парво ҳам қилмасди. Бу ҳолатни кузатиб туриб, ўспириннинг олдига бориб саволга тутдим.

– Бозордан қайтаяпсанми, дейман, – дедим боланинг қўлидаги зилдай сумкаларга ишора қилиб.

– Ҳозир мактабда қишки таътил. Ўқишлар бошлангунга қадар Олой бозорида аравакашлик қилиб бироз пул топиб, уйга қайтяпман, – дейди бамайлихотир.

– Ҳали мактаб ўқувчиси бўлсанг, пулни нимага сарфлайсан, – дедим ҳайратомуз.

– Синфдошларимдан кам бўлмаслик учун кийим-кечак ва бошқа майда-чуйда нарсалар учун пул топаман. Уйдагилардан сигарета учун пул сўраш ноқулай, чекишимни билиб қолишса, уришиб беришади, – деди у.

– Чекиш соғлиққа зарур-ку. Қачондан бери чекасан?

– Мактабда катта танаффус пайтида бинонинг орқасига ўтиб, юқори синф болаларига қўшилиб биринчи марта чекқандим. Бошида шунчаки қизиқиш эди, ҳозир сигарета ҳумори тез-тез тутади...

– Кунига нечта чекасан?

– Уч-тўрт дона бўлса етади.

– Чекишингдан ўқитувчиларингнинг хабари борми?

– Мактабимизда деярли кўпчилик чекади. Баъзан ўқитувчиларимизнинг ўзлари биздан сигарета, нос сўраб олиб чекишадию, – деди кулимсираб.

> *Дўконлар пештоқида: "Балоғатга етмаганлар учун сигарета сотилмайди" деган тақиқ ёзувлар бўлса-да, сотувчилар бу қоидага амал қилмай, дуч келган кишиларга сигарета сотаётганликлари бор гап. Кўча-кўйда мўмай даромад илинжида савдо қилаётган сотувчилар ҳам болаларга сигарета сотаётганларида ўз фарзандларини кўз олдига келтирсалар, фойдадан холи бўлмасди.*

– Оиладагиларинг-чи?

– Отам ҳам жуда кўп чекарди. Яқинда чекишдан касалликка ҳам чалиниб, даволаниб чиқди. Лекин фойдаси бўлмади. Менинг чекишимни эса улар билишмайди, – деди ўспириннинг туси ўзгариб.

– Чекишнинг зарарини ўз кўзинг билан кўра билиб туриб, ташлаш ҳақида ўйлаб кўрмадингми?

– Отамнинг аҳволини кўриб, ҳар куни чекишим биттага камаяпти. Лекин чекишни ташлашга иродам етади. Тенгдошларимнинг эса ҳеч қачон чекмасликларини истардим. Чекиш гул ҳаётимизни сўлдираркан, – дейди афсус-надомат билан қўлидаги сигаретани бекат йўлагига ташлаб.

Манзилимиз сўнггида ўспирин билан хайрлашарканман, қалбимни болаларни чекишига нима учун йўл қўйяпмиз, деган савол ўртади. Кейинги пайтда вояга етмаган болалар ўртасида кашандалар сони кўпайиб бораётганидан изтироб чекаман. Дўконлар пештоқида: "Балоғатга етмаганлар учун сигарета сотилмайди" деган тақиқ ёзувлар бўлса-да, сотувчилар бу қоидага амал қилмай, дуч келган кишиларга сигарета сотаётганликлари бор гап. Кўча-кўйда мўмай даромад илинжида савдо қилаётган сотувчилар ҳам болаларга сигарета сотаётганларида ўз фарзандларини кўз олдига келтирсалар, фойдадан холи бўлмасди. Ахир, кашандалик ёшларни ичкиликка, турли ўғирликка бошлаб, соғлом ҳаётини барбод этиб, умрига зомин бўлишини, тарбиясига нохуш таъсир кўрсатишини ўйлаб, чуқур хаёлга чўмдим. Беихтиёр кўнглимда агар ота ўзи билан ўзи овора бўлмай, фарзанди билан дардлашишга вақт топганида оналар эса дунёнинг роҳату азобларини бир четга суриб, боласининг тарбияси билан жиддий шуғулланишса, бундай нохуш ҳолатлар юз бермасди. Нима бўлганда ҳам болаларга бозорни эмас, дунёни берайлик, азизлар.

Нодирбек ЁҚУБОВ

МАЪНАВИЯТ

Кўнгил, ният ва вужуднинг поклиги инсонни комилликка етказади. Моҳиятан эса баркамол, ахлоқан, руҳан, маънан покиза инсон ҳар қандай жамиятнинг ҳам бебаҳо бойлигидир.

Бугун мамлакатимиздаги барча таълим-тарбиявий жараёнлар, жумладан, илоҳиёту тасаввуфнинг ҳам ўша олий мақсадни амалга ошириш учун қўшаётган ҳиссаси беқиёс.

Қалбида олам асрорини мужассам этиб, неча йиллардан буён маънавий меросимиз устида жиддий изланишлар олиб бораётган заҳматкаш олим, профессор Нажмиддин Комиловнинг «Тасаввуф ёки комил инсон», «Тафаккур карвонлари», «Комил инсон ҳақида тўрт рисола» каби бир қанча беназир тўпламлари, форсийдан таржималари аллақачон китобхонларнинг юрагидан жой олган.

УЧРАШУВ



Инсон – илоҳ илмининг тажассуми

Таниқли адабиётшунос олим, профессор Нажмиддин Комилов билан суҳбат

Сокингина ижодхонасига шўнғиб ўзининг соҳир хаёллари билан банд, фарзандлари ардоғида, шогирдлари қуршовида яшаётган Нажмиддин акани ҳар доим учратганимда негадир домла билан суҳбатлашишга чоғланардим. Балки, Нажмиддин Комиловнинг ёзганларини юракдан ҳис қилиб англаган, ҳайратланган ҳар қандай ўқувчи қалбига бу туйғу бегона эмасдир.

— Домла, баҳри уммондай сарҳадсиз мавзулар доирасида қилаётган янги тадқиқотларингизни кузатиб, қалбимизда сиз билан кўнгилдан суҳбатлашишга истак туғилди.

— Миннатдорман. Хўш...

— Шайх Нурий "Тасаввуф — нафс лаззатларидан воз кечишдир" деган бўлса, атоқли шоир Бобо Тоҳир эса "Тасаввуф — ўлими йўқ ҳаёт ва ҳаёти бўлмаган ўлимдир, яъни нафсоний — ҳайвоний ҳаётда ўлмоқ ва инсоний ҳаётда яшамоқ", деб бу маънони янада аниқроқ қилиб баён этган. Келинг, суҳбатимизни ҳам тасаввуфнинг асл маънавияти ва моҳиятини англашдан бошласак...

— Тасаввуф маънавияти кенг қамровли тушунча. Унда ахлоқ, маънавият, мафкура, ғоя, дунёқараш, маърифат, тафаккур, давлатчилик, жамиятшунослик, тарбия — барча-барчаси бор. Бу масалаларнинг ҳаммаси инсон маънавияти, оила маданияти ва давлатчилик тафаккури атрофида бирлашади. Бир ҳолни таъкидлаш зарурки, тасаввуф инсонни улуғлаб, маънавий камолот ичра яшаб ўтишга ундайди. Шу ўринда бир жўяли мисол келтириб ўтсам.

Шайх Жунайд Бағдодий буюради: "Ҳар бир амал Ҳақ таолонинг иноятидир". Демак, эзгуликни мақсад қилиб, фаолиятига киритган кишини Аллоҳ таоло қўллайди. Шайх Абубакр Фаррож эса амалнинг моҳиятини бундай шарҳлайди: «Яхшиликни яшириш, ёмонликларни яширишдан тузукроқ, шунда нажот топишга умид бор». Бу ҳукмга кўра, инсон ўз фаолияти давомида ўзгалар учун қиладиган яхшиликларига эътибор бермасликлари керак, аксинча, ёмонликларини ислоҳ қилиш йўлидан бориши лозим.

— Инсон айнан шу ҳақиқатни англаб етиши учун ўзини аввало, ўзлигини мукаммал ҳис этмоғи керак. Тасаввурингиздаги комил инсон тасвирини қандай шарҳлайсиз?

— Аслида, комил инсон — эзгу хислатлар мужассам бўлган тимсол. Лекин инсоннинг ақлини ўстириб, комиллик даражасига етказиш учун у аввало маърифат ҳосил қилиш, яъни ўзлигини англаши лозим. Муҳаммад Газзолий (XI аср) дейди: «Инсон вужудининг бу дунёда ушбу уч нимадан зиёда ҳожати йўқдир: емак, киймак ва макон. Емак қувват ҳосил қилиш учун, киймак авротни ёпмоқ учун ва макон эса иссиқ-совуқдан паноҳ топмоқ учундир. Бас, одамийга дунёдин бундан зиёдаси зарур эрмасдир». Дунёнинг шу нарсаларидан фойдаланиш, инсон вужудининг яшаши учун етарли бўлади, чунки, «вужуд қалб учун керак, қалб эса Тангри таоло учун керак». Агар кимки, мана шу қоидаларга амал қилса, нафсини ёмон туйғулар, ҳиссиётлар ва хусусиятлардан поклай олади ва у бу дунёда бахтли яшайди. Бордию киши нафсини ёмонликлардан поклай олмаса, дунё алдовларига учиб йўлдан озади. Шу ўринда ватандошимиз Фузайл ибн Иёз Самарқандий ҳам шу маънода буюради: «Уч нарса қалбни тошга айлантиради: кўп ейиш, кўп ухлаш ва кўп сўйлаш». Демак, нафсни тузатишда меъёрий ейиш, оддий кийиниш ва маъноли яшашга эътибор қилиш лозим.

— Мустақиллик туфайли ислом дини иймон-эътиқодимиз сифатида ўзимизга қайтди. Энди асрий анъаналаримизга таянишимиз мумкин бўлганда, айрим ёшларимиз туриш-турмушига Ғарб турмуш тарзи, ахлоқи, кўр-кўрона ҳеч нарсадан тап тортмай кириб келаётганига нима дейсиз? Қандай қилиб бунинг олдини олиш мумкин?

— Биз Ғарб турмуш тарзи, ахлоқини кўр-кўрона қабул қилолмаймиз. Бу бизнинг асрий анъаналаримизга ётдир. Шу каби ҳаддан ташқари индивидуализмга берилиш, ҳудбинлик, ўзбўларчилик манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай босиб, янчиб кетиш сингари истак-хоҳишлар ҳам халқимиз табиатига тўғри келмайди.

> *Яхшиликни яшириш, ёмонликларни яширишдан тузукроқ, шунда нажот топишга умид бор». Бу ҳукмга кўра, инсон ўз фаолияти давомида ўзгалар учун қиладиган яхшиликларига эътибор бермасликлари керак, аксинча, ёмонликларини ислоҳ қилиш йўлидан бориши лозим.*

Халқимизда ўзига хос миллий урф-одатларимиз, шахсий қобилиятни жамоавий удумлар билан уйғунлашиб, элюрт, маҳалла-кўй назаридан қолмаслик, дину диёнатдан ташқари чиқмаслик туйғулари сингиб кетган. Миллатимиз қиёфасини белгилайдиган орномус, ҳамият, мардлик, виждон амрига итоат этиш, ҳақгўйлик сифатлари йўқолмаслиги керак. Ҳаё, андиша, лафз, омонатга ҳиёнат қилмаслик, ростгўйлик дини исломимизда ҳам, халқ тушунчасида ҳам мустаҳкам ўрин тутмоғи зарур.

Маънавиятимиз бобокалони ҳазрат Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида ёзади: "Одамийнинг яхшироғи улдурким, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзни айтурда беваҳму бок бўлғай. Ўзи поку, кўзи покни инсон деса бўлур, тили ариғ (нозик) ва кўнгли ариғни мусулмон деса бўлур" ёки: "Ҳаёсизда вафо йўқ, вафосизда ҳаё йўқ..." деганда ҳам бир олам маъно мужассам. Дарҳақиқат, бобокалонимиз ўз асарларида таъкидлаган ҳалоллик, поклик, камтарлик сингари ахлоқий сифатларни йўқотмаслигимиз керак.

> *Инсон вужудининг бу дунёда ушбу уч нимадан зиёда ҳожати йўқдир: емак, киймак ва макон. Емак қувват ҳосил қилиш учун, киймак авротни ёпмоқ учун ва макон эса иссиқ-совуқдан паноҳ топмоқ учундир. Бас, одамийга дунёдин бундан зиёдаси зарур эрмасдир.*

— Чунончи, тасаввуф ва Шарқ фалсафасининг сирли тилсимларининг ечимини топиш учун кўпинча мумтоз шеъриятга мурожаат этасиз. Хусусан, Навоийга муносабатингиз...

— Ҳар доим Навоий асарларига мурожаат этганимда, ул зотнинг буюклиги, аввало, шоирнинг нияти улуғворлигидан келиб чиқади. Навоийнинг асл нияти ҳам ўз она тили – туркийнинг туганмас имкониятлари, қудрати ва қувватини намойиш этиш эди. Ва ул зот бу буюк ниятга эришди. Шу боис Навоий асарлари ўзидан кейинги барча туркий шиор ва ёзувчилар ижодига кучли таъсир этган. Бир ёғи Хитой, бир ёғи Ҳиндистон, бир ёғи кичик Осиё, бир ёғи эса Кавказ ҳамда Волгабўйи ва Сибиргача чўзилган иқлимлар, мамлакатларда яшовчи туркий халқлар бу маънавий хазинадан баҳраманд бўлиб, Навоий асарларини таржима қилиб, ўрганиб келмоқдалар. Навоий асарларида мусулмон Шарқда туғилган илғор ғоялар ислом ва тасаввуф таълимоти жамулжам этилганининг ўзи бу асарларнинг ҳар бири абадул-абад сўнмас маънавий ҳазина бўлиб қолади.

— Яна бир улуғ зот Мирзо Бедил асарлари борасидаги беназир изланишларингиз ҳам қалбингиз эҳтиёжининг амалдаги ижросими?

— Мени ҳайратга солган томони, Бедил ижодиётида инсонни фақат таъриф-тавсиф этиш билан чекланмайди, балки, уни таҳлил этади. Инсоннинг улуғворлиги қаерда, нуқсонлари нимада, изтироб аламлари-ю шодлик ва суруринг сабаблари нималарга боғлиқ, қобилияти нималарга қодир, саодату бахтининг манъбаи боиси нима, деган саволларни қўйиб, шуларга жавоб қидиради ва ғоят муҳим, замонлар оша эскирмайдиган ғояларни баён этади.

Бедил ёзади: "Ҳалимлиги – ахлоқий фазилати бўлмаган одамда шаъну шараф, салоҳият йўқ. Илми бўлмаган одамда эса, бахту саодат йўқ". Бедилнинг лирик асарлари "Тилсими ҳайрат", "Тури маърифат", "Муҳти аъзам", "Ирфон" каби достонлари жамланганда, юз минг байтдан ошиб кетади. Ундан ташқари, "Чор унсур" номли катта мемуар насрий асар ва мактублари ҳам бор. Аммо файласуф шоирнинг достонлари ичида "Ирфон" асари ҳажми энг катта ва мазмунан хулосавий хусусиятга эга. Бу асарни Бедил ижодининг қаймоғи дейиш мумкин.

— Сатрларни таҳлил ва тасвири жараёнида баъзан ўша асарларга зоҳирингиз ва ботинингиз сиғиб кетади. Баъзан кичик сатрлардаги таҳлиллар орқали фалсафий мушоҳадага бой фикрларни ўртага ташлайсиз. Баъзан эса, илоҳий тасвирларингиз кишини ҳайратга солади. Умуман, ҳар қандай ҳолатда ҳам теран фикрларингиз илоҳият илмига етаклайди. Назаримда, руҳингиз тасаввуфга уйғунлашиб кетгандай. Нега?

— Болалигимда онам шуримга Саъдий, Шерозий, Хўжа Ҳофиз ва Мирзо Абдулқодир Бедил шеъриятини сингдирган. Йиллар ва тадқиқотларим жараёнида бу фазилат теран томир отди. Тақдир мени талай нуроний чеҳрали инсонлар билан учраштирди. Самарқанд давлат университетида таҳсил олган йилларимда академик Воҳид Абдуллаев, профессорлар Ботирхон Валихўжаев, Нуриддин Шукуровлар (бизга мумтоз адабиётнинг Алишер Навоий даврини катта қалб эгаси Нуриддин Шукуров ўқитган эдилар) мароқ, завқ-шавққа тўла мазмундор маърузаларидаги нозик қочириму мажозлар руҳида ўқитиб, тарбиялади. Яна бир улуғ сиймо — Шайх Қутбиддинхон Муҳитдинов домладан кўп нарсани ўрганганман. Кейин менинг форстожик адабиётига ихлосим катта. Жалолиддин Румий ижодига мурожаат этишим ҳам бежиз эмас.

Умуман... инсоннинг қадру қиммати илмдан, фазилатини белгиловчи мезон ҳам шу. Илму донишлик маърифат, камолот калити. Одам Аллоҳни ва ўзини чуқурроқ таниб, моҳияти сирини англаши керак.

— Домла, ҳозир қандай ишлар ила бандсиз?

— Агар умр вафо қилса, Мирзо Бедил асарлари, айниқса, "Ирфон" асарини чуқурроқ тадқиқ этиш ниятим бор. Яна буёқда Румий ижоди, Навоий, Машраб асарларининг ҳозирги китобхонга тушунтириш борасида анча-мунча ишларни қўлдан келгунча адо этиш керак.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

СОЧМАЛАР

Тувакгул

У ҳам гул. Фақат тувакгул.

Бу гулга дераза шуъласи ҳам кифоя. Уни тоза ҳавога олиб чиққан одам заволига қолади.

Тувакгулга ўхшаш фикрлар ҳам бор: ичингда барқ уриб, гуллаб ётади. Ташқарингга чиқарсанг қуриб, қовжираб қолиши мумкин. Қовжираб қола қолса майли-я, тиканга айланиб, бировларга санчилишига нима дейсиз.

Кўплаб гул фикрларимни бировларга озор бермасин, деб қалбим қопқасидан хатлатмайман.

Баъзан

Тоғлар бахтлимикин, деб ўйлаб қоламан.

Йироқ-йироқлардан бўй бериб, олис-олисларни кўриб турувчи бу юксак маҳобат тимсоллари қандай қилиб бахтсиз бўлсин, деган таскин ҳам туяман.

Яхшиям, таскин туйғуси бор!..

Соат ҳақида беш достон

1

Соатнинг сония миллари қанча ликилламасин, одамлар унга кам эътибор берадилар. Чунки унинг юз чиққиллаши дақиқанинг икки сакраши. Соатнинг асосий кўрсаткичи ҳаётда вазмин, сермазмун, сокин яшаб ўтадиган шахсларга ўхшайди.

Бироқ дақиқалар ва соатлар ана ўша сониянинг ликиллашларидан бинога келиши кишини хушёр торттиради.

2

Соат. Агар мен сенинг ўрнингда бўлганимда зинҳор "чиқ-чиқ" ламаган бўлардим...

Бу сокин қичқириғинг одамларни тинимсиз қаёққадир ҳайдаб чиқараётгандай бўлаверади. Хар ҳолда "чиқ-чиқ" сўзи инсонларга ёқимсиз туйғу уйғотади...

3

Соат сенга ҳам қийин.

Тил бойлигинг фақат "чиқ-чиқ"дангина иборат...

4

Соатнинг «чиқ-чиқ»и ғафлатдан чиқ. Камолат чўққиларига чиқ. Кўтарил. Комиллик сари интил, дегани бўлса-чи?

5

Йўқ. Нима бўлганда ҳам мен соат бўлганимда бошқачароқ огоҳлантирган бўлардим.

Масаланми, билмайман...

Куйлаб туролмасмидингиз, дейсизми? Йўқ. Вақтни куй билан ўлдириш нақадар ёқимсиз тушунча. Ҳозир вақтни индамай маҳв этадиган соатлар чиқиб кетган. Қанча вақтинг ўтганини, демак, қанча ўлганингни, бу ёруғ оламдан қанча чиқиб бораётганингни бамайлихотир аниқлаб олаверасан.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

Йиғинларда ғалабалар

Ўқув-машғулот йиғинларини Бирлашган Араб Амирликларида давом эттираётган «Нефтчи» жамоаси навбатдаги назорат учрашувини ўтказди. Шанба куни Россия чемпиони «Зенит» жамоаси билан дуранг ўйнаган фарғоналиклар бу учрашувда руҳий устунлик билан майдонга тушишди.

Мезбонларнинг «Диба ал-Хисин» клуби билан бўлиб ўтган баҳсда Юрий Саркисян шогирдлари 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Учрашувдаги барча голларни «Нефтчи» футболчилари киритишди. Мансур Саидов ва Азиз Ибрагимовларнинг тўплари юртдошларимиз фойдасига ёзилган бўлса, Элдор Йўлдошевнинг ўз дарвозасига йўллаган тўпи рақибларни қувонтирди.

Мамлакатимиз чемпионатининг яна бир совриндори «Қурувчи» жамоаси эса, Украинадаги сўнгги назорат учрашувини Донецкнинг «Шахтёр» клуби ўринбосарларига қарши ўтказди. Муросасиз курашларга бой бўлган ўйин 1:1 ҳисобида якунланди.

Сами ал-Жабрнинг сўнгги ўйини

Саудия Арабистони терма жамоасининг машҳур ҳужумчиси 35 ёшли Сами ал-Жабрнинг катта футбол билан хайрлашув учрашуви бўлиб ўтди. «Қирол Фатх» стадионига ташриф буюрган 80 минг томошабин гувоҳлигида «Ал-Ҳилол» жамоаси «Манчестр Юнайтед» клубига қарши майдонга тушди.

Учрашувнинг 19-дақиқасидаёқ 2007 йилда Осиёнинг энг яхши ўйинчиси деб топилган Ёсир ал-Қаҳтоний ҳисобни очишга эришди. Бироздан кейин Англия чемпионларининг икки юлдузи Карлос Тевез ва Криштиано Роналдо кетма-кет зафар қучишди. Тадбир қаҳрамони Сами ал-Жабр 39-дақиқада пеналтидан ҳисобни тенглаштирди. Учрашув тақдирини ҳал қилган гол эса 73-дақиқада Бадр ал-Хараший томонидан киритилди. Шу тариқа, саудияликларнинг севимли футболчиси сўнгги учрашувини ҳам ғалаба билан якунлади.

Эслатиб ўтамиз, ўз голлари билан юртимиз ишқибозларини кўп бор ранжитган Сами ал-Жабр кетма-кет учта жаҳон чемпионатида тўп киритган ягона футболчидир.

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ

ФИКР

Ҳақиқий дўст бу дунёдаги энг улуғ неъматдир. Ҳолбуки, биз айни шу неъматнинг ортидан ҳар нарсадан кўра камроқ қувлаймиз.

Франсуа Ларошфуко

Бир чимдим кулги

Эр-хотин ресторандан чиқишмоқда. Хотин эрига таъна қилди:

— Намунча хотамтой бўлиб кетмасанг! Кийим илгувчига ҳам ўн сўм берадими одам?!

— Э, каллаварам! Қара, у менинг 50 сўмлик қалпоғим ўрнига 100 сўмлик телпак берди-ку!

***

Хотин супермаркетдан чиқишда кўз ёш қилди. Эр индамади.

— Қанақа эрсиз ўзи?! — деб аччиқланди хотин, — нега йиғладинг, деб сўрамайсиз ҳам!

— Тушуниб турибман. Аммо шунча пулим бўлмаса нима қилай?

***

Эр-хотин ажралишмоқда. Судда ҳакам аёлдан сўради:

— Ажралишингизнинг асосий сабабини айтсангиз, хоним.

— Биласизми, эрим мен пиширган овқатларнинг ҳаммасини ўзимга едиряпти.

***

Бир эркак дўстидан сўради:

— Менга айт-чи, биродар, айтайлик, сенинг қайнонангга йўлбарс ҳужум қилиб қолса, не қилиш керак?

— Бу йўлбарснинг иши. Ўзи қайнонамга ҳужум қилибдими, энди йўлбарс ўзини-ўзи ҳимоя қилиб олсин!

Саъдулла СИЁЕВ тайёрлади.

Изоҳга ҳожат йўқ.

Абдурасул Ҳакимов чизган сурат.

O'zingni angla! HURRIYAT Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел-факс: 233-36-02. **Тел:** 136-53-31, 136-53-38, 136-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 136-56-38

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро — 8-365-715-30-57
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Тошкент — 8-370-762-16-86
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Қорақалпоғистон — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фарруҳ Жабборов

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.30

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-55 Адади: 8400 1 2 3 4 5 7 8